Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

ҒАЛАБА КУНИ БАЙРАМИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ИККИНЧИ ЖАҲОН УРУШИ ҚАТНАШЧИЛАРИНИ РАҒБАТЛАНТИРИШ ТЎҒРИСИДА

Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларининг Ўзбекистон Республикаси давлат манфаатларини ҳимоя қилишдаги катта хизматлари учун ва 9 май Ғалаба куни байрами муносабати билан:

1. Иккинчи жаҳон уруши ногиронлари ва қатнашчилари, шунингдек, байналмилал жангчилардан бўлган ногиронлар энг оз иш ҳақининг 2,5 баравар миқдоридаги пул мукофоти билан тақдирлансин.

2. Ушбу Фармонни амалга ошириш билан боғлиқ харажатлар республика бюджети маблағлари ҳисобидан қоплансин.

3. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Марказий банки, Ижтимоий таъминот вазирлиги, Мудофаа вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Миллий хавфсизлик хизмати ушбу мукофотнинг тўланишини таъминласинлар.

4. Дам олиш куни 1996 йил 12 май якшанбадан 1996 йил 10 майга кўчирилсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1996 йил 1 май.

АҲДНОМА ИМЗОЛАНДИ

АҚШ Президенти Билл Клинтон ва Исроил Бош вазири Шимон Перес терроризмга қарши биргаликда курашишга келишиб олдилар. Бу ҳақдаги аҳднома шу йилнинг 30 апрель, сешанба куни Вашингтонда имзоланди.

ҚУРБОН ҲАЙИТ АРАФАСИДА

Азиз ва муқаддас қабр ва қабристонларни зиёрат қилмоқчи бўлган Босния мусулмонлари сербларнинг қаршилигига дуч келдилар. Бир неча автобусларда шимолий шаҳар — Сженинга, ўз уйларига қайтмоқчи бўлган мусулмон қочоқлари Добож йўлида НАТО қўшинларига дуч келдилар. НАТО қўшинлари уларни Босния серблари ҳудудига ўтказмасликка уриндилар.

АҚШ ҲАРБИЙЛАРИ ШРИ-ЛАНКАДА

АҚШ ўз ҳарбий экспертларини Шри-Ланка аскар ва зобитларини ҳарб илмига ўқитиш учун жўнатмоқда. Улар Шри-Ланка аскарларига Тамиль сепаратчиларига қарши кураш ва ҳарбий маҳорат сирларини ўргатадилар.

ПОЛИЦИЯЧИЛАР ҚАМАЛДИ

Бразилиянинг Рио шаҳрида тўрт эркак, жумладан, уч полиция ходими 8 нафар қаровсиз болани қатл қилганликда айбланиб, озодликдан маҳрум этилди. Бу Бразилия тарихида рўй берган энг даҳшатли болалар қотиллиги бўлган бўлса, ажаб эмас.

ҚУРОЛЛИ ТЎҚНАШУВ

Ўн кунлик осойишталиқдан сўнг Либерияда яна тартибсизликлар бошланди. АҚШ денгиз пиёда аскарлари Америка элчихонаси яқинида уч нафар либерияликни отиб ўлдирди. Қуролли тўқнашув ва кўча урушлари пайтида 14 киши яраланди.

ИШОНТИРА ОЛДИ

Буюк Британия Европа Кенгашидаги ўз ҳамкорларини инглиз мол гўштини сотиб олишни таъқиқлаш хусусидаги қарорни бекор қилиш лозимлигига ишонтира олди.

ДАФН МАРОСИМИДА

Исроил-Ливан ҳарбий тўқнашувида ҳалок бўлганларни дафн этиш маросими чоғида ҳам Қуръон оятлари ўқилди, ҳам черков қўнғироқлари жаранглаб турди. Чунки, ҳалок бўлганлар орасида мусулмонлар ҳам, христианлар ҳам бор эди.

БОШ ТОРТДИ

Жанубий Корея ҳукумати вакиллари халқаро алоқа воситалари конференциясида иштирок этишдан бош тортди.

Ватанни севмак иймондандур!

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси газетаси

1996 йил 2 май, пайшанба № 53 (21.974).

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

Иқтисодиёт олами • *Иқтисодиёт олами*

ТОЛАНИНГ БОЗОРИ ЧАҚҚОН

ЖИЗЗАХ (мухбиримиздан). Дўстлик тумани пахтакорлари ўтган йили 41 минг 671 тонна «оқ олтин» тайёрлаган эдилар.

Шу кунларда туман пахта тозалаш корхонасида ҳосилни қайта ишлаш авжида. Хусусан, 12 минг тонна хом ашёдан 4 минг тонна тола ажратиб олинди. Сифатли маҳсулот Германия, Италия, Швейцария, Англия, Нидерландия ва Россия каби мамлакатларга жўнатилди. Муҳими, корхона жамоаси кейинги йилларда тола сифати бўйича бирорта ҳам эътирознома олгани йўқ.

Келдиёр ЖЎРАҚУЛОВ.



Наманган вилоятининг Косонсой туманидаги «Деҳқонобод» жамоа хўжалиги аъзолари одатдагидек бу йил ҳам мўл ҳосил кўтаришга бел боғлашган. Уларнинг нияти — ҳар гектар майдондан 30 центнердан ошириб хирмон йиғиш.

СУРАТДА: ғўза ниҳолларини суғориш пайти ҳамда жамоа хўжалиги бошқаруви раиси Ёқубжон Эшматов ва «Истиқлол» фермер хўжалиги бошлиғи Зокир Мусаев.

Турғунбек МАҲКАМЗОДА олган сурат.

КАТТА ДУНЁГА ОЛИБ ЧИҚАДИГАН ЙЎЛ

Муносабат

Ўтган йилнинг кузи эди. Киночиларнинг йирик бир тадбирига чақиришди. Орада уч-тўрт кунча вақт бор. Ўзимизча журналистик «эксперимент» ўтказдик. Пойтахтнинг тилга тушган беш-олти кинотеатрида айни пешин ва кечки маҳаллардаги сеансларга кираётган мухлисларни кузатдик. Қанча томошабин қандай фильмларни кўпроқ кўради?

Хулоса ғалати бўлди: ўзимизда ишланган 3-4 фильмни ҳисобга олмаганда, аксарият мухлислар чет элнинг олди-қочди киноларига кўпроқ тушар экан. Кузатув натижаларини турли истиҳолалар баҳонасида эълон қилмадик.

Вақт ўтаверди. Гоҳо у ёқ-бу ёқда номлари хотирамиздан тез кўтарилиб кетадиган турли киностудиялар томонидан ишланган катта-кичик фильмлар пайдо бўлаверди. Томошабин эса ҳақиқий «томошабин»га айланиб қолди. Ана шунда ҳамманинг кўнглида оғриқли бир савол пайдо бўлди: бу кетишда эртага шунча йиллик катта тарихий даврни босиб ўтган ўзбек миллий киносининг тақдири не кечади?

Ниҳоят, ҳеч бир муболағасиз айтиш керак, **куни кеча мамлакатимиз Президентининг «Ўзбеккино» давлат-акционерлик компаниясини тузиш тўғрисида»ги Фармони Ўзбекистон киночиларининг юракларига ёруғлик олиб кирди.** Чунки, кино — бетакрор санъат. Унинг ҳар лаҳзаси ҳам тарихнинг бир парчаси. Айниқса ҳар қандай мустақил давлатнинг ўтмиши, бугуни ва эртаси унинг шу мамлакат киносанъатига бўлган эътиборида ҳам кўринади.

Сир эмас, ўзбек кино санъатининг ўзига хос тарихи бор. У ўша собиқ шўролар замонида ҳам ўз миллий қиёфасини йўқотмаган. Аммо энг ачинарлиси, миллий туйғулар, урф-одатлар муҳрланган фильмлар атайлаб бузилди, кесилди. Қолаверса, бошқача либос кийдирилди. Миллатимизнинг фидойи кино заҳматкашлари меҳнати ўз қадрини топмади.

Шунингдек, Фармонда мазкур компания фаолиятининг асосий йўналишларидан бири сифатида белгиланган қуйидаги сўзлар бизни ғоят қувонтирди: **«Кино санъати соҳасида ташқи алоқалар ва фаол халқаро ҳамкорликни ривожлантириш, халқаро ва минтақа кинофестивалларини ташкил этиш, биргаликда фильмлар яратишни мувофиқлаштириш»** лозимлиги алоҳида таъкидланган. Энди бир эсланг: ахир бундан 10-15 йиллар аввал Тошкентга ярим дунёнинг киночилари йиғилиб келарди-ку! Лекин у маҳаллари республикамиз ҳудудида Москванинг кўрсатмаси амал қиларди. Бугун бизлар эркинмиз. Қандай ва қанча фильм яратишни ҳеч кимдан сўрамаймиз. Энг эътиборли жиҳати, мамлакатимиз ўз мустақиллигининг беш йиллигини кутиб олаётган паллада миллий кино санъатимизга Президентимиз томонидан алоҳида эътибор ва ғамхўрлик кўрсатилгани катта воқеадир.

Президентимизнинг бу Фармони ўзбек миллий киносининг пойдеворини янада мустаҳкамлашга хизмат қилади, ўнлаб асрлар қатида ётган тарихимизни, маданий ва маърифий қадриятларимизни қайта тиклаш ва яна бойитишда катта роль ўйнаши шубҳасиз. Яна бир томони...

Тўғриси, ҳақиқий баҳони машҳур халқ артисти, ўзбек киносининг отахони Малик Қаюмов айтди: «Ўтган ҳафта «Труд»да бир гуруҳ россиялик таниқли кино усталарининг Россия Президентига йўллаган хати эълон қилинди. Ўқиб... Очиғи, бир киночи сифатида мен ҳам ачиндим. Боиси, уларнинг киноси ҳам кичкина тарихга эга эмас. Жаҳон кино мухлислари эътиборини қозонган фильмлари кўп. Лекин бугунги кунда шундай катта бир давлатда кинога бўлган эътибор даҳшатли аҳволга тушганлиги ёмон-да. Биласизми, бизнинг Ўзбекистонда киночиларга ва бу соҳага кўрсатилаётган тенгсиз рағбатнинг баҳосини, қадрини ана шунда янада чуқурроқ англадим. Президентимизнинг Фармонини ўқиб бошим осмонга етди. Тан олиш керак, ҳали Ҳамдўстлик давлатларининг бирортасида миллий кинематография давлат йўли билан қўллаб-қувватланаётгани йўқ. Бу Ўзбекистонда қўйилган биринчи хайрли қадам бўлди. Насиб этса, ҳали кўрасизлар, «Ўзбеккино» дунёни ҳайратга солади...»

Илоё, шундай ёруғ кунларда айтилган қутлуғ ниятлар ижобат бўлсин!

Норқобил ЖАЛИЛ,
«Ўзбекистон овози»
шарҳловчиси.

ЧЎЛГА ГАЗ КЕЛДИ

НАВОИЙ (мухбиримиздан). Ниҳоят, вилоятнинг олис туманларидан ҳисобланган Томди, Учқудуқ ва Конимехга ҳам газ етиб бормоқда.

Хусусан, Конимех тумани марказида суюлтирилган газ қуйиш шахобчаси ишга туширилди. Бунинг учун 50 миллион сўм сарфланди. Йилига 3 минг тонна суюлтирилган газ баллонларда етказиб берилади. Муҳими, автомашиналар ҳам газ билан юрадиган бўлади.

Музаффар ШАРОПОВ.

БАЙТҚЎРҒОНДА ЯНГИ ГУЗАР

ТОШКЕНТ (мухбиримиздан). Байтқўрғон қишлоғида янги гузар ташкил этилди. Бу ерда барча қулайликлар бор. 2 та тандирда иссиқ нонлар ёпилмоқда. Дўконлар гавжум. Сартарошхона ва пойабзал устахоналари ишлаб турибди. Яна беш жойда ана шундай гузар вужудга келтирилади.

Соҳиб САЛИМОВ.

ЦЕХ КЕНГАЙТИРИЛДИ

НУКУС (мухбиримиздан). Элликқалъа туманидаги «Боғёп» фермерига қарашли гилам тўқиш цехи кенгайтирилди. Илгари 8-10 киши ишлаган бўлса, ҳозир уларнинг сафи 40 нафарга етди. Ўтган йили 893 кв. метр гилам тўқилганди. Шу йилнинг икки ойи ичида эса 65 кв. метр гилам тайёрланди. Олинаётган фойда ҳам шунга яраша бўляпти.

Рейимбой ЕШИМБЕТОВ.

ТОШКЕНТДА ТЕННИС БАЙРАМИ

Истиқлолнинг беш йиллигини муносиб нишонлашга ҳозирланаётган мамлакатимиз жаҳон ҳамжамиятида тенглар ичида тенг бўлиш учун собит қадам ташламоқда. Спорт, шу жумладан унинг оммавий тури ҳисобланган теннис ҳам ҳар бир юрт иқтисодиётининг ҳосиласи бўлиб, халқ маданиятини дунёга ёйишда муҳим омилдир. Шу боис республикамизда спортнинг ушбу турига алоҳида аҳамият берилмоқда. Тошкентда анъанавий «Ҳавас» теннис мусобақасининг ўтказилаётгани ҳам бежиз эмас. Мухбирларимиз мусобақа ташкилотчилари билан мулоқотда бўлиб, ушбу турнир ҳақида уларнинг фикр-мулоҳазаларини сўрадилар.



Шавкат КАРИМОВ — «Ҳавас» анъанавий теннис турнири ташкилий қўмитаси раиси, Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазири:

— Эл соғлиғи — юрт бойлигидир. Шу боис республикамизда спортга, уни халқ орасида кенг оммалаштиришга алоҳида аҳамият бериляпти. Айни пайтда мамлакатимизда спортни ривожлантиришга Президентимиз Ислом Каримов катта ғамхўрлик қилмоқдалар. Шунинг натижасида мамлакатимизда йирик спорт мусобақалари кетма-кет ўтказиляпти. Мана, биргина теннис ўйинини олайлик. Илгари бу ўйинга кўпчилик унча эътибор бермасди. Кейинги иккиуч йил ичида Ўзбекистонда йирик теннис мусобақаларининг ўтказилиши туфайли халқимизда спортнинг бу турига қизиқиш ортиб кетди. Ҳозир эътибор бераётган бўлсангиз, Фарғона водийсидаги вилоятларда «Олтин водийда теннис» шиори остида «Челленжер» туркумидаги халқаро мусобақалар бўлиб ўтяпти. Куни кеча Андижонда бошланган мусобақа очилишида иштирок этиб қайтдим. Биласизми, мени нима хурсанд қилди? Мусобақалар оммавий равишда катта спорт байрамига айланиб бормоқда.

Дарвоқе, спорт аввалгамбор соғлиқ тарови бўлса, иккинчидан, у орқали ҳар қандай мамлакат дунёга кенг танилиши мумкин. Бинобарин, яқин вақт ичида юртимиз вакиллари, ўзбек ўғлонлари Ватанимиз шарафини ҳимоя қилиб, йирик халқаро мусобақаларда қатнашишларига, Ўзбекистон байроғини баланд кўтаришларига ҳеч бир шубҳа йўқ. Албатта, спортнинг у ёки бу тури оммавийлигини таъминлаш учун катта саъй-ҳаракат қилиш лозим бўлади. Шу жиҳатдан бизда теннисга алоҳида аҳамият берилаётгани бежиз эмас. Тошкент шаҳри ва вилоят марказларида теннис кошоналари барпо этилгани, жаҳоннинг кучли спортчилари иштирокида халқаро мусобақалар ўтказилаётгани қувонарлидир.

Юртбошимиз халқ саломатлиги, соғлом авлод камолини давлат аҳамиятига молик иш деб қарамоқдалар. 6-8 май кунлари мамлакатимиз пойтахтида Президентимиз ташаббуси билан яна бир анъанавий мусобақа ўтказишга ҳозирлик кўриляпти. «Ҳавас» деб номланган бу турнир 6 май куни «Динамо» стадионида тантанали равишда очилади. Ушбу мусобақанинг эътиборли томони шундаки, унда вилоят ҳокимлари, уларнинг биринчи ўринбосарлари, шаҳарлар ҳокимлари, вазирлар ва бошқа давлат арбоблари иштирок этадилар. Иштирокчиларга даставвал ўйин қоидалари, турнир тартиби тушунтирилади. Шундан кейин қуръа ташланади. Қатнашчилар уч гуруҳга бўлиниб мусобақани бошлайдилар. Уч кун давом этадиган қизғин баҳслар 8 май куни «Юнусобод» теннис кошонасида давом эттирилади. Бу ердаги ҳал қилувчи учрашувларда ғолиблар аниқланиб, уларга «Ҳавас» соврини тақдим этиш кўзда тутилган. Мусобақанинг бошқа иштирокчиларига ҳам эсдалик совғалари берилади. Дарвоқе, бу ўйинларни барча қизиқувчилар келиб бепул томоша қилишлари мумкин. Ўйлаймизки, ушбу мусобақа теннис шайдоларига катта қувонч бахш этади.

Генрих ДАШЕВСКИЙ — «Ҳавас» анъанавий теннис мусобақасининг бош ҳаками:

— Мусобақага «Ҳавас» деб ном берилишининг ҳам ўзига хос рамзий маъноси бор. Боиси, бу мусобақада кичик тўпни қўлига олган, у билан ошнолашишни умид қилган ҳар бир киши майдонга тушиши мумкин. Мусобақага тайёргарлик ва уни ўтказиш ташкилий қўмитаси ҳамда ҳакамлар ҳайъати ишларини бошлаб юборишди. Мақсад халқимизнинг жисмоний жиҳатларини янада яхшилаш, кишиларнинг ўзларини тетик ва бардам ҳис этишларига йўл очишдан иборат. Айни пайтда мамлакатимиз мутасадди ва раҳбарларини ҳам спорт оҳанрабосига жалб этиш, теннисга ҳавас уйғотиш кўзда тутилган.

Мусобақа иштирокчилари уч гуруҳга бўлинган. Биринчи гуруҳга ярим йилдан бир йилгача, иккинчи гуруҳга бир йиндан уч йилгача ва ниҳоят учинчи гуруҳга беш йилгача теннис билан шуғулланганлар киритилади. Хусусан, биринчи гуруҳда Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси Раиси У. Аширбеков, Андижон, Бухоро, Жиззах, Қашқадарё вилоят ҳокимлари ўзаро баҳслашадилар. Иккинчи ва учинчи гуруҳлар эса Навоий, Сирдарё, Фарғона, Сурхондарё вилоятлари ҳокимлари ҳамда республика Олий Мажлиси Раиси Э. Халилов, вазирлар ва турли қўмиталарнинг раисларидан таркиб топган.

Дарвоқе, кейинчалик бундай мусобақаларни вилоят марказларида ҳам ўтказиш кўзда тутиляпти. Бу спортнинг, қолаверса теннисниг оммавийлигини таъминлаши шубҳасиздир.

Аслиддин БОЛИЕВ,
Ҳайдар НОСИРОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбирлари.

ЖУРНАЛИСТЛАР ДИҚҚАТИГА!

Шу йил 3 май жума куни соат 11.00 да Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги кичик залида «Ҳавас» теннис турнири бўйича матбуот конференцияси бўлиб ўтади.

Ўзбекистон — ҳунармандлар ватани

МИНГ ЙИЛЛИК КАСБ

Биласизки, ҳайвонот оламининг ер юзидан йўқолиб бораётган энг ноёб турлари «Қизил китоб»га киритилади. Бироқ, узоқ йиллар турмушда асқотган баъзи касб-ҳунарлар унутилса, табиийликка йўйилади. Масалан, яқин-яқинларгача баққоллик расталарида турли шаклдаги каттакичик, бежирим ёғоч тароқлар кўп бўларди. Аёлларнинг доимий ҳамроҳи ҳам ёғоч тароқ эди.

Тароқчилик ўтмишда ривожланган касб бўлган. Қўқоннинг катта маҳаллаларидан бири «Тароқчилик» деб аталгани бежиз эмас. Бироқ, кейинги даврда маҳаллий ҳунармандларнинг нозик диди, моҳир қўллари билан тайёрланган нафис, пишиқ-пухта ёғоч тароқлар ўрнини четдан келтирилаётган бир хилдаги пластмасса тароқлар эгалламоқда.

— Холбуки, — дейди Қўқон шаҳридаги Исфарагузар маҳалласида яшовчи 70 ёшли тароқ устаси Отахон Мамажонов, — соч-соқолни ёғоч тароқда тараш пайғамбаримиз, ота-боболаримиздан қолган зийнат. Ёғоч тароқнинг афзалликлари кўп. У билан таралганда сочда электр токи пайдо бўлмайди. Айниқса, арча дарахтидан ясалган тароқлар сочни ўстиради. Унинг илдизига қувват бахш этади. Бу ҳақда ҳакимлар ҳам айтиб ўтишган.

Отахон Мамажонов кўҳна тароқчилар сулоласининг вакили. У кишининг оилавий шажарасига кўра, Отахон бир оилада давом этиб келаётган тароқчилар сулоласининг 15-авлодига мансубдир. Демак, минг йилдан ортиқ вақтдан буён бу оила вакиллари тароқчилик билан шуғулланишади.

— Кейинги йилларда ота-боболарим ҳунари ривожланиш ўрнига, орқага кетди, — дея ўкиниб сўзлайди оқсоқол, — ёғоч тароққа харидор топилмай қолди. Наҳотки, шу сулолонинг сўнгги вакили бўлиб қоламан деган ташвишдаман. Хайриятки, истиқлол шарофати туфайли ўзбек миллий ҳунармандчилигига ҳам эътибор берила бошланди. Президентимиз И. Каримовнинг Хоразмда сўзлаган нутқида ҳунармандчилик соҳасини тараққий эттириш хусусида билдирилган фикрлардан бошимиз кўкка етди. **Республика Вазирлар Маҳкамасининг куни кеча эълон қилинган «Енгил ва маҳаллий саноатни ривожлантиришни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори эса мамлакатимизда ҳунармандчиликни ҳам ривожлантиришга туртки бўлди.** Ҳа минг йиллик касб йўқ бўлиб кетаётган эди. Энди уни ривожлантириш учун шароит бор.

Шу маҳалладаги қадоқчилик касбини улуғлаб келаётган 72 ёшли Маҳмуджон Усмонов ҳам Отахон Мамажоновни қувватлаб, ўзбек миллий ҳунармандчилиги вакилларига кўрсатилган ушбу катта ғамхўрлик учун юртбошимиз ва республика ҳукуматига миннатдорчилик изҳор қилди.

Исфарагузар маҳалласи оқсоқоли, машҳур тадбиркор ва қаламкаш Нуруллахон хожи Абдуллаев эса шу маҳалладаги барча ҳунармандлар учун катта устахона қуриб беришга жазм қилган. Яқин орада тароқчилар, қадоқчилар, мисгарлар, заргарлар ва бошқа бадиий ҳунармандчилик касби вакиллари барча шарт-шароитларга эга устахонада иш бошлайдилар.

Алишер ИБОДИНОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ДЕМОКРАТИЯ — ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ ВА ФУҚАРОЛАР ФАОЛЛИГИНИНГ МУШТАРАКЛИГИ

Шу йилнинг 23-25 апрель кунлари Киевда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Тараққиёт дастурининг Европа ва МДҲ мамлакатлари бўйича Минтақавий бюроси «Демократия, давлат бошқаруви ва унда фуқаролар иштироки» мавзуида кенгаш ўтказди. Мухбиримиз мазкур анжуман қатнашчиси, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши аъзоси Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВга бир нечта саволлар билан мурожаат қилди.

— Абдулҳафиз Мараҳимович! Ушбу тадбирдан кўзланган мақсад ва муддао нимадан иборат эди?

— Маълумки, жаҳон илғор ҳамжамияти ўзининг халқаро тузилмалари, жумладан, БМТ орқали дунёнинг турли минтақаларидаги давлатларда юз бераётган сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва маънавий жараёнларга кўмаклашишни ўзининг муҳим вазифаси, деб қарайди. ПРООН (БМТнинг Тараққиёт дастури) — БМТнинг мазкур мақсадларга бўйсундирилган, ихтисослаштирилган муассасалари фаолиятини мувофиқлаштирувчи марказий ташкилот ҳисобланади. Уни БМТнинг ЮНЕСКО, ЮНИСЕФ, ВОЗ каби, ҳатто, улардан ҳам, муайян даражада, нуфузлироқ, таркибий тузилмаси, дейиш мумкин.

ПРООНнинг кўп қиррали фаолиятида Марказий, Шарқий Европа ва собиқ Иттифоқ ҳудудида жойлашган мамлакатларда мустабид тузумнинг инқирози ҳамда уларнинг кўпчилигида якка партиялилик тизимидан сиёсий хилма-хилликка, марказлашган, маъмурий-буйруқбозлик иқтисодиётидан бозор муносабатларига ўтилиши боис, демократия, давлат бошқаруви, фуқароларнинг ундаги иштироки масалалари, табиийки, кейинги йилларда алоҳида устуворлик касб этмоқда.

БМТнинг тўлақонли аъзоси — мустақил Ўзбекистонда 1993 йилда мазкур, энг нуфузли халқаро ташкилотнинг ваколатхонаси очилган ва у, ҳозирда, самарали фаолият кўрсатмоқда. Тараққиёт дастури бўйича БМТнинг ваколатхонаси диёримизда олиб бораётган ишлар ҳам шу қаторга киради. Худди 1993 йилдан бошлаб Ўзбекистон билан ПРООН ўртасида ҳамкорлик тўғрисида битим имзоланган. Жаноб Холид Малик бир вақтнинг ўзида ҳам БМТнинг, ҳам ПРООННинг Ўзбекистондаги вакилидир.

БМТ Тараққиёт дастури ташкилоти жаҳоннинг 130 дан зиёд мамлакатларида ўз бўлимларига эга бўлиб, унинг тасарруфидаги маблағларнинг умумий ҳажми қарийб 1,5 миллиард АҚШ долларини ташкил этади. ПРООН ўз ёрдамини кўрсатадиган мамлакатларга нисбатан муносабатларда сиёсий бетарафлик тамойилига амал қилади, уларнинг мустақиллигини ҳурмат қилади, қадрлайди, уларда амалга оширилаётган ислоҳотларни қўллаб-қувватлаш манфаатларидан келиб чиқади.

1994 йилда БМТ Тараққиёт дастурининг Европа ва МДҲ мамлакатлари бўйича бюроси, ПРООН ваколатхоналари очилган мамлакатлар ҳукуматлари билан узвий биргаликда, тегишли ҳудудларда иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий соҳаларда амалга оширилажак қатор тадбирларни ишлаб чиқди. Мазкур тадбирлар мажмуи «Демократия, давлат бошқаруви ва унда фуқаролар иштироки» деган умумий ном билан аталди.

Ушбу тадбирлар давлат ҳокимияти идоралари тизимини қайта қуриш, такомиллаштиришдан тортиб, фуқаролик жамиятини қарор топтириш, нодавлат, ноҳукумат ташкилотларни мустаҳкамлашга бўлган яхлит демократик макон соҳаларини қамраб олди.

1995 йилнинг январида Женевада Европа ва МДҲнинг Тараққиёт дастури билан ҳамкорликдаги мамлакатларда унинг рўёбга чиқарилишига оид масалалар бўйича биринчи кенгаш ўтказилган. Киевдаги иккинчи кенгаш мазкур йўналишдаги дастлабки қадамларга якун ясашга, навбатдаги вазифаларга аниқлик киритишга бағишланди. Унда 20 дан зиёд мамлакатлар, 10 дан ортиқ халқаро ташкилотлар, қатор давлатларнинг дипломатик миссиялари, ПРООННинг Европа ва МДҲдаги ваколатхоналари, унинг мазкур минтақадаги бюроси ходимлари, маслаҳатчилари, умумий ҳисобда, таклиф этилганлардан ташқари, 80 га яқин расмий кишилар иштирок этдилар.

Кенгашда Литва ва Грузия вакилларининг, уларнинг мамлакатларида Дастурнинг бажарилиши бўйича, ахборотлари тингланди. Унда, шунингдек, Украина ва Қирғизистондаги олиб борилган ишларга баҳо беришга оид маъруза ҳам эшитилди.

— Мазкур тадбирдаги иштирокингиз ҳақида гапириб берсангиз. У нималардан иборат бўлди?

— Бажонидил. Аввалambор, биз ўзимиз учун муҳим бўлган фаолият йўналишига оид ахборотларни олдик. Кенгаш иштирокчилари билан мулоқотлар қилдик, алоқалар ўрнатдик, уларга мамлакатимизда миллий мустақилликни мустаҳкамлаш, демократик, адолатли жамият, ҳуқуқий давлат барпо этилиши жараёнлари ҳақида сўзлаб бердик. Жумладан, кенгашнинг биринчи кунида бўлиб ўтган мажлисда қўйидагиларга унинг иштирокчилари диққатини қаратдик:

Ўзбекистон мустақил давлатчилик қуришнинг дастлабки, энг қийин даврини муваффақиятли босиб ўтди. Мамлакатимиздаги ижтимоий ҳаётнинг, беистисно, барча соҳаларида амалга оширилаётган ислоҳотларнинг энг муҳим хусусияти — уларнинг, Президентимиз И. А. Каримов таъкидлаганларидек, инсон ҳаётини яхшироқ, муносиброқ, гўзалроқ қилишга қаратилганлигидадир. Мустақил Ўзбекистон — шиддаткор ўзгаришлар мамлакати. Биз давлат ҳокимияти тизимини уч ўзаро мустақил тармоқларга бўлинишига асосланган Конституция, уни янада ойдинлаштирувчи ўнлаб қонунларни қабул қилдик. 1994 йилнинг 25 декабрида Олий Мажлис, давлат ҳокимияти маҳаллий вакиллик идораларига ўтказилган кўппартиялилик негизидаги сайловлар натижасида давлат бошқарувининг ҳамма даражалардаги демократик ташкилотлари вужудга келтирилди. Умуман, Ўзбекистонда демократик тартиботларнинг ваколатли муассасалари барпо этилди. Энди-ликда, ҳамма гап уларнинг бехато, самарали фаолият кўрсатишларининг барча зарурий мурватларини яратишдадир.

Биз нафақат истибдод тузумидан қолган тузилмаларни барҳам топтирмоқдамиз. Энг муҳими — одамларнинг тафаккури, амалий ҳаракатлари тарзи ўзгармоқда.

Айтилганлар билан қўлга киритилган ютуқларни асло бўрттирмоқчи эмасмиз. Қиладиган ишларимиз, ҳал этилиши лозим бўлган муаммоларимиз тўлиб-тошиб ётибди. Бироқ, 1991 йилдан бери ўтган давр мобайнида, унгача бўлган даврга нисбатан, олға қараб каттакон қадамлар ташланганлигини эътироф этмаслик ҳам мумкин эмас.

Ахир, мамлакатимиз худди мана шу даврда ўнлаб муҳим халқаро битимларга, улар қаторида — «Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси»га қўшилмадими?

Олий Мажлиснинг инсон ҳуқуқлари бўйича вакиллиги, унинг қошида жамоатчилик комиссияси, 1995 йилда Конституцион суд тузилди. Халқимизнинг азалий удуми — жамоа бўлиб яшаш ҳаёт тарзи — маҳалла юртимизда фуқаролик жамияти қурилишининг мустаҳкам пойдеворига айланмоқда.

1991 йилнинг сентябригача хусусий мулк, капиталистик аталмиш мамлакатлар билан қўшма корхоналар тўғрисида фикр юритиш мумкин бўлмаган юртимизда, бугун, 50 мингга яқин ишлаб чиқаришнинг нодавлат, 13,5 мингга яқин хусусий, 630 дан зиёд қўшма корхоналари ишлаб турибди. Бозор иқтисодиёти тузилмаларида 2 миллиондан ортиқ киши банд, устувор соҳаларга йўналтирилган хорижий маблағларнинг ҳажми 3,5 миллиард АҚШ долларидан ортиб кетди. Миллий даромаднинг учдан бир қисмини нодавлат шўъба ҳиссасига тўғри келмоқда.

«Карахт қилиб даволаш» усулидан воз кечиш, кучли ижтимоий сиёсатнинг амалга оширилиши, Ўзбекистонда, бозор иқтисодиётига ўтишнинг қийинчиликлари даврида, жамият сиёсий барқарорлигининг муҳим омилига айланди. Бугунги Ўзбекистон, синчков хорижий кузатувчиларнинг эътирофича, бутун Марказий Осиёдаги тинчлик ва барқарорликнинг ҳам шундайин омилидир. Шулар боис, жаҳонда Ўзбекистонга ишонч ортмоқда, мамлакатимизга келаётган хорижий ишбилармонлар сони кўпаймоқда.

Айни мустақиллик туфайли халқимиз ўзини ва ўзга халқларни англамоқда. Битта мисол. Ҳозиргача бутун дунёда маълум ва машҳур, аммо ўз юртида таҳқирланган давлат арбоби, саркарда Амир Темур ҳам худди мана шу мустақиллик туфайли ўз Ватанини, Ватани эса уни топди.

Мамлакатимиз раҳбарияти ўз халқи олдида ҳам, жаҳон ҳамжамияти олдида ҳам мустақиллик, истиқлол йўлига ҳамиша содиқ эканлигини энг юқори минбарлардан туриб, қайта-қайта такрорлаётганлиги, тасдиқлаётганлигининг сир-асрори ҳам шундадир.

Олдимизга қўйилган тақдириломон мақсадларга эришишда, ички имкониятларимизнинг қай даражада аҳамиятли эканлигига қарамай, биз жаҳон илғор жамоатчилиги, жумладан, БМТ, унинг ихтисослаштирилган муассасалари ёрдамига ҳам чуқур эҳтиёж ҳис этамиз. Зеро, бу бизни дунё хўжалик алоқалари, ривожланган мамлакатларда ҳукм сураётган маънавий-сиёсий тартиботлар билан тезроқ уйғунлашишимизга ҳисса қўшган бўларди.

Бундан ташқари, кенгаш кун тартибидан ўрин олган ва унда мунозара очилган айрим масалалар бўйича ҳам фикр-мулоҳазаларимизни билдирдик.

— Сизнингча, Киев учрашувининг биз учун аҳамияти нимада?

— Айтганимдек, Киевда Тараққиёт дастурига қўшилган қатор мамлакатларнинг ахборотлари тингланди. Яқин пайтларда биз ҳам шундай муолажа билан тўқнашамиз. Яъни, ПРООННинг Ўзбекистон бўйича ҳам Дастур лойиҳаси, ҳукуматимиз билан биргаликда, тузилган. У «Демократиялашувни, инсон ҳуқуқларини муҳофаза этишни ва бошқарув тизимини ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш», деб аталган бўлиб, уни 1996 — 2000 йилларда амалга оширилиши мўлжалланмоқда. Унинг рўёбга чиқарилишини, шубҳасиз, юртимизни демократик тараққиёт йўлидан янада тезроқ одимлашига қўшимча шарт-шароит яратади.

Кишини хурсанд қиладиган нарса шундаки, ушбу Дастурга бевосита алоқадор кишилар — ПРООН маъмурининг муовини (БМТ Бош котиби муовини даражасидаги лавозим соҳиби) Рафиуддин Аҳмад, Дастур муаллифларидан бири, «Ўзбекистон — ажойиб мамлакат», деб бир неча бор таъкидлаган Демитриос Аргириадес, Руминия, Украина, Грузия, Чехия ва бошқа қатор мамлакатларнинг вакиллари бўлмиш бирodарларимиз Ўзбекистоннинг, унинг Самарқанд, Бухоро, Хева ҳамда бошқа шаҳарлари ҳақида, диёримиз одамлари тўғрисида энг яхши фикрларни изҳор қилдилар, юртимизнинг истиқболи порлоқ эканлигига юксак ишонч билдирдилар. Менимча, Киевда ўтказилган кенгашнинг биз учун аҳамияти, қисман, мана шунда ҳам бўлса, ажаб эмас.

ЧАРОҒОНЛИК ЙЎЛИ

Тўнғич гидроиншоот — 70 ёшда

Азим Тошкентнинг қоқ ўртасидан оқаётган Бўзсув шаҳарнинг кумуш белбоғи ҳисобланади. Икки қирғоғини мажнунтоллар безаган анҳор нафақат табиат гўзаллиги, айни чоғда туганмас энергия манбаи ҳамдир. Унинг миллионлаб киловатт-соат электр қуввати ҳосил этишини ҳозирги ёшлар унчалик билишмаса керак.

... Бундан етмиш йил муқаддам шаҳарнинг шимолий-шарқий қисмида, Бўзсув ариғида қад ростлаган энергия иншооти мамлакатимизнинг тунғич гидроиншооти эди.

Саидоқилхон Саидҳўжаев каби билимли ёш узбек йигитлари зиммасига ана шу иншоотни қуришдек шарафли вазифа тушган. 1894 йилда туғилган бу йигитга ўшанда узбеклардан чиққан биринчи муҳандис, деб ҳавас қилишарди. «Қизил Ўзбекистон» газетаси 1925 йил 18 февраль сонида бу йигитнинг таржимаи ҳоли ҳақида батафсил ёзган эди. «Оғир кунлар кечиради, хўжайинлар электр ёруғида керилиб, романлар, ҳикоялар ўқиғонларида, сафсата сотқонларида, бу йигит тўққиз пуллик шам олдида дарс ҳозирлайдир, китоб қучоғига бериладир...

Ушал қийинчиликларнинг оқибати: бугун Саидоқилхон Ўзбекистон тарихида биринчи инженер...

Ҳозирда Тошкентда солиниб турғон электр станцияси ҳақида бир диплом ҳозирлаб, Туркистонда қандай йўл билан электростанцияси қуриш мумкинлиги тўғрисида лойиҳа ҳозирламоқдадир. Лойиҳасининг ҳимоясини қилиб, профессорлар танқидидан ўтказгандан қейин инженерлик дипломини олади. Ўзбекистон ишчилари учун биринчи узбек инженери муборак бўлсин!»

— ГЭС қурилишида Германиядан келган бир монтёр йигит ишлар эди. Турбиналар ҳам ўша мамлакатдан олиб келинган эди. Кўплар қатори менга ҳам Бўзсув ҳаёт манбаи, ҳаёт дорилфунуни бўлган, — деб эслаган эди, биринчи ўзбек инженери Саидоқилхон ота умрининг охирларида,

1926 йилнинг биринчи майида Бўзсув ГЭСи ишга тушди. Унинг қуввати 2 минг киловатт эди. Бир йилда 1,1 млн. киловатт-соат электр ҳосил этган бўлса, етмиш йилда бу рақам 2,5 млрд. киловатт-соатга етди.

Гидроэнергия иншооти ишланда Узбекистон халқ хўжалигини ривожлантириш учун ҳаводек зарур эди. У Тошкент индустриясини барпо этишда бебаҳо электр манбаи ҳисобланди. Айниқса, Тошкент трамвайи электр билан ишлашга ўтгач, қишлоқ хўжалиги машинасозлиги корхонаси тўғилиши ва ишлаши учун катта манба бўлди.

Бу йил атоқли давлат арбоби Файзулла Хўжаев таваллудининг 100 йиллигини нишонлашга ҳозирлик кўрилаётганда бу иншоот бунёд этилишида унинг сарфлаган кучғайратини эслаб ўтиш жоиздир. Ўз даврининг етук билимдони ва халқи, мамлакати равнақи учун кўп фидойилик қилган Файзулла Хўжаев Бўзсув гидроиншоотини биринчи бўлиб, Узбекистонда қурдириш ва ишга туширишда катта шижоат кўрсатган. Иншоотнинг ишга туширилиши шодиёналарида шахсан ўзи қатнашиб, илк қувончнинг нашидасини тотган. Шодиёнада нутқ сўзлаб, «Бўзсув ГЭСи — Ўзбекистон индустрия баҳорининг биринчи қалдирғочи ҳаммамизга муборак бўлсин!» деб таърифлаган.

Бугунги кунда мустақил республикамизнинг қудратли электр энергетикасини кўз олдимизга келтирганимизда ота-боболаримизнинг қилган улуғ, хайрли ишларини эслаймиз. Чиндан ҳам мамлакатимиз Марказий Осиё қитъасида энергетика қудрати жиҳатидан етакчи ўринлардан бирини эгаллаб турибди. Бу битмас-туганмас энергетика манбалари мустақиллик йўлимизни чароғон ёритмоқда.

Абдулла ПЎЛАТОВ.
Суратда: Бўзсув ГЭСи.

Баҳор завқи.
Нўъмонжон МУҲАММАДЖОНОВ олган сурат.

Соғлом авлод учун

ЭРТАНГИ КУНГА ЭЪТИБОР

Тошкент Давлат техника университети ҳузуридаги аёллар коллежида «Соғлом турмуш тарзи — ўсмир ёшлар тарбияси асослари» мавзуида илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди.

Анжуманни университет ректори Т. Миркомилов очди. Шундан сўнг сўзга чиққан мамлакатимизнинг нуфузли саломатлик муассасалари вакиллари бу йиғилишнинг асосида катта тарбиявий манфаатлар ётганини таъкидлашди.

Республика соғлиқни сақлаш вазирининг муовини А. Ёрқулов, Халқаро «Экосан» жамғармаси раиси Ю. Шодиметов ҳамда бошқалар ўз маърузаларида эртанги кунимизнинг эгалари бўлмиш ёшлар тарбияси йўлида олиб борилаётган хайрли ишлар ҳамда муаммолар хусусида гапирдилар.

Ҳар қандай жамият ва мамлакатнинг эртаси ўсиб келаётган ёш авлод тарбиясига бўлган ғамхўрлик ва эътиборга кўп жиҳатдан боғлиқлиги, шунингдек, бу борада қилинаётган ишларнинг самараси муҳимлиги таъкидланди.

Озода БЕКМУРОДОВА.

«Ўзбекистон овози»га жавоб берадилар

«ДЕПСИНИШ ҚАЧОНГАЧА?»

(«Ўзбекистон овози», 1996 йил, 13 февраль).

Мақолада кўтарилган масалаларни вазирлигимиз мутахассислари ўрганиб чиқиб қуйидагиларни маълум қилади.

Бухоро вилояти Жондор тумани қатор йиллардан буён қишлоқ хўжалигининг барча соҳаларида илғорлар сафида келган. Пахтачилик ва чорвачиликда юқори кўрсаткичларга эришган.

Мақолада мухбир томонидан келтирилган далиллар тўғри. Ҳақиқатдан ҳам, 1995 йилда пахта, ғалла ва чорвачилик соҳаларида ҳамда ислоҳотларни амалга оширишда жиддий хато-камчиликларга йўл қўйилган.

Туманда пахтачилик учун қулай келган ўтган йил режалари 87,1 фоиз бажарилган, мавжуд 18 та пахтачилик хўжалигидан 9 таси режаларини бажармаган. Натижада 7,8 минг тонна пахта давлатга кам сотилган. Қатор бригадаларда ҳосилдорлик 15-20 центнердан ошмаган.

Чорвачиликда озуқа базасига эътиборни сусайиб кетганлиги оқибатида сенаж — 58, силос-14, лавлаги — 10 ва жами озуқа бирлигида жамғарилган озуқалар 44 фоизга қондирилган, холос. Натижада 1995 йилда туман хўжаликларида гўшт ишлаб чиқариш 96 тоннага, сут 1546 тоннага, тухум 370 минг донага ва сигирлар маҳсулдорлиги 537 килограммга камайиб кетган.

Туманда вужудга келган бу аҳволни ўнглаш учун бир қатор жамоа хўжалик раҳбарлари ва бош мутахассислар ишдан бўшатилган.

Йўл қўйилган камчиликлар вилоят агросаноат, туман агрохизмат уюшмаси раҳбарлари, туман ҳокимлари иштирокида муҳокама этилиб 1996 йилда бундай хато-камчиликлар содир бўлмаслиги учун тадбирий чоралар белгиланди.

Вазирлик ушбу белгиланган тадбирларни ўз вақтида бажарилишини қатъий назорат остига олади.

Республика қишлоқ хўжалик вазирининг биринчи ўринбосари М. СУЛТОНОВ.

Тақдир сўқмоқлари

ЗУЛМАТ ҚЎЙНИДАГИ НУР

Девордаги тунчироқ хонани хирагина ёритиб турибди. Вақт эса алламаҳал бўлган. Келинлик либосида ғужанак бўлиб олган Хумор пиқ-пиқ йиғлайди. Севгиси саробга айланган, алданган Ботирали эса чимилдиқ қунжида бошини чангаллаганича, юраги ғаш, келинчакдан жирканганлиги ортига аҳён-аҳёнда беҳис қараб қўяди.

Қизга қараб негадир кўнгли бузилади, унга нимадир демоқчи, аммо кимдир халал бергандек бўлади-ю, яна жазмидан қайтади. Тили калимага келмайди. Ахир ўзи унга кўнгил қўйганди-ку?! Қизнинг юзидаги оқ рўмолни оҳиста туширди. Хуморнинг шаҳло кўз қовоқлари йиғидан қизарган, чўғдек лаблари пирпирарди. Алдамчи, маккор кўзлар, сохта табассум... «Эҳ аттанг, ҳаммасига»... надомат билан ўйларди йигит. Қалби эса на қизни, на ўзини айблашни, оқлашни билмасди.

Баҳор кезлари эди. Ҳарбий хизматдан эндигина қайтган пайт сершовқин ҳаётга қўниккани учун, ўйда ўтиролмасди. Дам-бадам шаҳар айланишга чиқарди. Хиёбонларни айланиб, тўқимачилик комбинати олдидаги ошхонага кирди. Чор-атрофдаги хўрандаларга разм солди. Ҳамма ўзи билан овора. Шу пайт олча гулли кўйлак кийган, юзлари сутга чайқалгандек оппоқ, нигоҳлари ҳар қандай кишининг эътиборини тортадиган дилбар қиз унинг столи олдига келди. Салом берди, сўнг беэътиборгина нонушта қила бошлади. Йигит унга қарамасликка ҳарчанд ўринмасин, нигоҳлари ўзига бўйсунмас, ички бир туйғу қиз томонга юрарди. «Чиройли қиз экан, қизиқ, қайси бахтли йигитнинг ёри экан. Қайдам, балки...» Кўнглида илинж пайдо бўлди. Журъатсизгина:

— Кечирасиз, шу ерда ишлайсизми? — сўради у.

— Ҳа, — қиз ерга қараб бошқа сўз демади.

«Ҳаёли қиз экан...» баттар талпинарди йигит.

— Яқинда қайтдим. Шаҳар ўзгариб... йигит мавзуни қандай давом эттиришини билмай қолди. Қиз эса сукут сақлаб ўтирарди. Балки бошқа қиз бўлса менга нима деб туриб кетармиди, йўқ, у бошини эгиб гапининг давомини кутди. Сўнг йигитга қаради, оҳу кўзларида эса негадир кулгу яширинган, лабларида ним табассум...

— Бутунлайми? — қиз шундай деб унга тикилиб қолди. Йигит англамади, қайтганими ёки ўзгарганими?

— Қайси бири... — довдиради йигит.

Қиз кулиб юборди. Шу кулгу уларни гўё яқинлаштирди.

— Икковиям! — муғомбирона «хужумга» ўтди қиз.

Шу тариқа бошланган суҳбат уларни бир-бирига боғлади. Ботирали Хуморга интилган сари қиз унга янада сеҳрли, қўл етмас осмондаги моҳдек, узоқлашаётгандек юрагини ваҳм босарди. У қиздан ажраб қолишдан қўрқарди. Баъзан Хумор йигитни ўзидан узоқлаштиришга ҳаракат қиларди. Шундай кезлари Ботирали ўзини қўярга жой топмас, «Нега?» деса «Ботирали ака шундай бўлгани маъқулдир» дея мавҳум жавоб берарди. Эртасига яна иккови ҳам бир-бирига талпинарди.

Тонг бўзара бошлади. Ботирали ташқарига чиқди. Хумор тонг отишини истамас, қоронғу зулмат қўйнига сингиб кетгиси келарди. Қиз шаҳд билан ўрнидан туриб, ҳовлига чиқди. Ҳеч ким кўринмади. Катта кўчага чиқди. Бироз кутди. Орқасидан ҳеч ким чиқмади. «Улганим яхши!» У тўлбаларча қишлоқ кўчасидан югуриб кетди. Йўл ғира-шира ёришди. Узоқдан юк машинаси тун сукунатини бузиб, шиддат билан унинг устига бостириб келарди. «Куним битди» дея ўйлади. Тўлбаларча машина йўлини тўсди. Нимадир қарсиллаб кетди, ҳамма нарса остин-устун бўлиб гир айланди. Сўнг у ўзини тубсиз жарга қулаётгандек сезди.

Хумор кўзини очаркан, атрофга боқди. Тепасида қорачадан келган, қошлари туташ йигит, бошига оқ дока боғлаб олган кампир турганини кўрди. Дастлаб ҳеч нарсага тушунмади. Сўнг «тирик қолдимми? Булар ким бўлдийкин? Мен, мен аллақачон ўлганман. Руҳим... алдаяпти!» — дея ишонибишонмади.

— Қизим, кўзингни очақол!

Хумор онасининг овозини эласэлас эшитгандек, бирдан кўзини очди-да, кампирнинг бўйнидан қучди:

— Гуноҳкор фарзандингизни кечиринг, онажон! — деди у. Она билан ўғил алаҳсираётган қизни тинчлантиришга уринишди. Хумор аста-секин нотаниш жойда ётганлигини пайқади. Кампир унга иссиққина сут ичирди. Безовталанмай дам олишини ўқтирди. Кўзи илиндими ёки ўйладими-билмади. «Кўчадан чопиб кетяпти. Узоқдан Ашурали кўринди. «Ашурали ака, тўхтанг!» югурди қиз. Йигит эса бирдан йўқолди. Ортидан эса шиддат билан машина бостириб кела бошлади. Ана, беш, тўрт, икки... метр! У додлади, лекин овози чиқмади».

Қишлоққа шом қўнди. Кампир меҳрибонлик билан қизнинг бошини силади. Унсиз узоқ тикилди. Охири Хумор ёрилди...

Хумор Кўркамсойнинг олд қизларидан эди. Мактабни тугатгач, ҳужжатларини тиббиёт билим юртига топширди, аммо омади чопмади. Бунинг устига қўшни қишлоқдаги бир йигитни севарди. Шаҳарда қолиб тўқимачилик комбинатига ишга кирди. Ашурали эса бошқа шаҳарда ўқир, тез-тез Хуморларни йўқлаб келарди. Бу дунёнинг шодликлари фақат гўё Хумор учун эди. Ҳар нарсанинг, ҳатто севгининг ҳам интиҳоси бўлади.

Орадан кунлар ўтаверди, иккиси ҳам бахтиёр. Хумор вужудида ўзгариш сеза бошлади. Шунда қизни ваҳима босди.

— Қўрқма, Хумор, ҳаммаси изига тушади. Фақат гапимга қулоқ сол, ўзингни бос, ўлимдан бошқасига чора топилади!

Чораси топилди. Ашурали Ҳотамой опани кундирди. Келишувга кўра сешанба куни машинаси юкхонасини алламбалоларга тўлдириб, Хумор билан йўлга тушди.

Аёл қизга негадир ҳамдардлик ўрнига истеҳзо билан қараб, уни ичкарига бошлади.

Ашурали тун қоронғусида юраги қинидан чиққудек, ҳансираганча мозордан қайтаркан, ўзини шу топда қотилдек ҳис этди.

Хумор бир неча кун ўзига келолмади. Анчагача шу ерда ётиб қолди. Ашурали тез-тез хабардор бўлиб турди. Қиз мадорга киргач, уни ётоқхонасига келтириб қўйди. Дугоналари унинг қонсиз чеҳрасини кўриб ҳайратланишди. «Қишлоққа бориб тобим қочди», у шундай деди-ю, ўзини кароватга отиб ҳўнграб йиғлаб юборди.

Вақт эса ўтаверди. Энди йигит Хуморга ёниб талпинмас, келганда зарурат юзасидан муомала қилар, тезроқ ортига қайтишга ошиқарди. Аста-секин йигит бутунлай йироқлашди. Хумор уни интизорлик билан кутса-да, йигитдан дарак бўлмасди. Қиз шундагина алданганини англади. Бунинг устига уни ҳарбийдан қайтган Ботирали ҳам жон-ҳолига қўймас, севиб қолганлиги, уни рад этмаслигини сўрарди. Нима қилсин? Бир-икки ой баҳона ахтарди, бўлмади. Ашуралидан бутунлай умидини узди. Унга энди ҳеч ким йўл кўрсата олмаслигини ҳис этди.

Мана, ўзига ўлим тилаган қиз бугун нотаниш хонадонда. У иккита ўт орасида: ё яна ўлимга рўбарў келиш ёки кампирнинг раъйини қайтармаслик. Ўзига ўхшаган яримта бахтга ҳам рози— йигитнинг чўриси бўлиб, барча гуноҳларини ювиш.

— Нима бўлган бўлса, бўлибди. Шералига сени ҳудонинг ўзи дуч қилган, — кампир давом этди. — Уни итарма, болам, яна бахтингдан юз ўгирма. Шояд иккиярим— бир тугал бахт бўлишса! Унинг болаларини кўрсам дейман.

Хумор сўзсиз ерга тикилди. Кампир эса исириқ тутатиш учун ташқарига чиқди. Деразага, осмонга боқди. Зулмат қўйнидан олисда нур кўрди. Ёруғликка қўлини чўзди...

Даврон БАҲРОНОВ.

ЖАМҒАРМА КЎМАГИ

• Буюк Британиянинг «Болаларга ёрдам» инсонпарварлик жамғармаси 1992-1993 йиллар давомида тожикистонлик болаларни иссиқ кийимкечак ва пойабзал билан таъминлашда талай ишларни амалга оширди. 1994 йилнинг октябрь ойидан бошлаб эса Хатлон вилоятининг Бохтар туманида ўз қароргоҳини очиб, 1200 оилага ёрдам кўрсатди.

1995 йилнинг май-июнь ойларида жамғарма вилоятдаги мактаб ёшидаги болалар иштирокида семинарлар ташкил этди.

ХАЛҚАРО КЎРГАЗМА ОЧИЛДИ

• Қозоғистон Республикаси мамлакатни электр энергияси билан таъминлаш имконига эга эмаслиги сабабли, уни чет давлатлардан қарзга сотиб олмоқда. Республиканинг биргина Россия Федерацияси энергетика комплексидан қарзи 300 миллион АҚШ долларига етди. Мазкур муаммони ҳал этиш мақсадида Алматида энергия манбаларини тежовчи технологияларнинг халқаро кўргазмаси очилди. Унда 20 дан ортиқ ривожланган мамлакатларнинг фирмалари ўз маҳсулотларини намойиш этяпти.

САЙЁҲЛИК РИВОЖЛАНАДИ

• Тожикистонда сайёҳлик бўйича Тожикистон Республикаси миллий компанияси ташкил этилди. Мазкур компания давлат бошқаруви органи бўлиб, ўз-ўзини маблағ билан таъминлаш асосида иш юритади. Жаҳон талабларига жавоб берадиган инфраструктура яратиш, давлат томонидан бошқариб туриладиган сайёҳлик хизмати бозорини шакллантиришга хизмат қилади.

ПОЛВОНЛАР БЕЛЛАШУВИ

• Хоразм вилоят телекомпанияси соврини учун миллий кураш мусобақалари бошланди. Истиқлолимиз беш йиллигига бағишланган бу турнирда туркманистонлик, қозоғистонлик полвонлар, шунингдек, Қорақалпоғистон Республикаси ва Бухоро вилояти командалари иштирок этмоқда.

(Марказий Осиё ахборот агентликлари ва газеталаридан олинди).

ПОКИСТОН ЁЗУВЧИСИНИНГ РОМАНИ

1996 йил— Амир Темур йили

Президентимиз Ислом Каримов Фармони билан «Амир Темур йили» деб эълон қилинган мазкур йилда буюк аждодимиз таваллудининг 660 йиллиги билан боғлиқ кўпгина шонли воқеалар юз бермоқда. Бу сана юбилей тантаналарининг кенг дастури ишлаб чиқилиб, изчиллик билан амалга оширилаётган мамлакатимиздагина нишонланиб қолмайди. Бутун жаҳон ҳамжамияти соҳибқироннинг хизматларини муносиб нишонламоқда. Куни кеча Париждаги ЮНЕСКО қароргоҳида бўлиб ўтган «Темурийлар даврида фан, маданият ва таълимнинг гуллаб-яшнаши» кўргазмаси, бу кўргазманинг очилиш маросимида мамлакатимиз Президенти бошчилигидаги Ўзбекистон делегацияси ҳозир бўлгани бунинг яққол далилидир. Шу маросимдаги Ислом Каримов сўзлаган нутқ барчада катта қизиқиш уйғотди ва халқаро жамоатчилик томонидан юксак баҳоланди.

Бу гал Покистондан яна бир хушхабар келди: бу ерда «Амир Темур Кўрагоний» тарихий романи урду тилида нашр этилди. Унинг муаллифи покистонлик таниқли адиб М. Илмасдир. У бир қанча тарихий роман ва кўплаб бошқа адабий асарлар ёзган. Муаллиф Лоҳур шаҳридаги «Покистон-Ўзбекистон иқтисодий ва маданий маркази» фаоли. У яқинда шу ерда соҳибқирон юбилейига бағишлаб ўтказилган тантанали кеча ташаббускорларидан бири ва асосий маърузачи бўлди.

Муаллифнинг гапига қараганда, у ўз романи билан шу пайтга қадар тарихчилар ҳаёти ва фаолиятига етарли эътибор бермай келган Амир Темур шахси тўғрисидаги объектив маълумотларнинг камчил жойларини тўлдиришга ҳаракат қилган. М. Илмаснинг соҳибқирон туғилган пайтдан бошлаб, унинг вафотигача бўлган ҳаёт йўлини қамраб олган асари тарихий ишончли маълумотларга асосланиб ёзилган.

Адиб Амир Темурнинг бадиий сиймосини яратар экан, уни жўшқин ривожланиш, камол топиш, саркарда ва давлат арбоби бўлиб етилиш жараёнида кўрсатишга ҳаракат қилади. Иродали, мард ва жасур йигит ҳарбий санъатни мукаммал эгаллашга интилади. Ёзувчи соҳибқироннинг шон-шуҳрат чўққисига қадар босиб ўтган йўлини бадиий воситалар ёрдамида акс эттиради, қаҳрамони дуч келган ва темирдек иродаси туфайли бартараф этган мислсиз қийинчиликларни эътибордан четда қолдирмайди.

Покистон ёзувчиси соҳибқиронни узоқни кўра оладиган давлат арбоби, бунёдкор сифатида тасвирлайди. Китобда Самарқанд, Шаҳрисабз ҳамда Мовароуннаҳрдаги бошқа шаҳарларни обод қилиш ва гуллаб-яшнатиш борасида қандай ишлар амалга оширилганига катта эътибор берилган.

Муаллиф Амир Темурнинг ҳарбий юришлари ҳақида муфассал ҳикоя қилар экан, унинг саркардалик истеъдоди, жанг усулига киритган янгиликларини алоҳида таъкидлайди. Муаллифнинг Амир Темурнинг Олтин Ўрда, Эрон, Византияга юришларидан асосий мақсад бу мамлакатларни забт этиб, бўйсундириш эмас, балки, аввало ўз мамлакати халқининг хавфсизлигини таъминлаш, Мовароуннаҳр аҳолиси фаровонлиги ва осойишталигига хавф солиши мумкин бўлган хавф-хатарни бартараф этишдир, деган хулосаси жуда муҳимдир. Бу ҳам Амир Темур шахси ва унинг ишларига баҳо беришга муаллифнинг янгича ёндашганини кўрсатади.

Ўзбекистон Республикасининг Покистондаги элчихонасидан олинган хабарга қараганда, янги роман китобхонлар томонидан яхши кутиб олинди. Мутахассисларнинг фикрича, бу асар ўтмишни оммалаштириш ва бадиий идрок этишга, буюк бобомиз Амир Темур ҳаёти ва фаолияти тўғрисида тарихий ҳақиқатни тиклашга қўшилган салмоқли ҳиссадир.

(ЎзА).

РИЗҚИМИЗНИ БИРОВГА БЕРМАЙМИЗ

Божхона бекати

Ҳар биримизнинг ўзимизга яраша масъулият билан қарайдиган ишимиз, бурчимиз бор. Бир йирик сиёсатчи шундай деган экан: «Мустақилликни қўлга киритишдан уни сақлаб қолиш мушкулроқ». Назаримда, бу сўзларга иймонли, ватанпарвар инсон бефарқ қарамаса керак. Аслида республикамиз иқтисодиётини дадил оёққа турғазишда Ўзбекистоннинг ҳар бир кишиси масъул. Афсуски, айрим юртдошларимиз фақат ўз чўнтагини ўйлаб, халқ бойлигини, юртдошлари ризқ-рўзини турли йўллар билан ноқонуний равишда четга пуллаб, мўмай даромад олишни кўзламоқдалар. Шу ўринда баъзи бир мисолларни келтирмоқчиман.

Ўтган йили 228 тонна гуруч, 253 тонна ёг, 219 тонна шакар, 147 тонна ун, 102 тонна дон маҳсулотлари хуллас умумий қиймати 22 миллион сўмдан ошиқ озиқ-овқат маҳсулотлари четга олиб кетилаётганда божхоначилар томонидан тўхтатилди ва давлат фойдасига мусодара этилди. Бу фақат четга олиб кетилиши тақиқланган озиқ-овқат маҳсулотларидир. Қўлимиздаги аниқ маълумотларга қараганда, ноқонуний йўл билан бошқа давлатларга мол олиб чиқиб кетишга уринганларга кўпгина идора ва нуфузли ташкилотларнинг раҳбарлари бевосита ёрдам беришган. Қонунбузарликка йўл қўйган 10 минг 844 шахс маъмурий жавобгарликка тортилди. Шулардан кўпчилиги мансабдорлар.

Агар яна маълумотларга эътибор қиладиган бўлсак, 1994 йилда гиёҳванд моддаларни ноқонуний олиб ўтиш бўйича 231 ҳолат аниқланиб, 268 килога яқин гиёҳвандлик моддаси мусодара қилинган бўлса, 1995 йилда 476 ҳолатда 535 кило бангилик воситалари мусодара қилинди. Бу ерда ҳар икки ҳолат бўйича икки баравар ўсиш бор. Контрабанда жиноятлари борасида ҳам шундай фарқни кўрса бўлади. Буни қандай тушунмоқ мумкин?!

Эътиборни Президентимизнинг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 48-сессиясидаги маърузасига қаратмоқчиман. Ушбу катта анжуманда юртбошимиз наркобизнес ҳақида тўхталиб, бу оғу савдоси бугунги куннинг оғриқли муаммоларидан бири эканлигини таъкидлаб ўтган эдилар. Шунинг учун Ўзбекистон бу борада барча имкониятларни ишга солиб, гиёҳвандликка қарши кураш олиб бормоқда.

Контрабанда, божхона қоидалари бузилишига қарши кураш ва суриштирув бошқармасининг вазифаси ижтимоий хавфли бўлган гиёҳвандлик воситалари, қурол-яроғ, ўқ-дори ҳамда портловчи моддалар контрабандаси, шунингдек, бошқа хил контрабанда усулидаги жиноятчиликка қарши курашдан иборат. Бу кураш айни пайтда баъзи бир МДҲ давлатлари, қўшни Тожикистон, Афғонистондаги нотинчликлар даврида жуда катта аҳамиятга эга. Айримлар мўмай даромад дея контрабанда юкларини ташиб ўтмоқчи бўлса, «қора ниятли» шахслар республикамиздаги тинчлик, аҳиллик, юксалишларни кўролмасдан, бузғунчи воситаларни давлатимиз ҳудудига олиб кирмоқчи бўляпти. Шунинг учун бу йил ҳам ушбу ишларга қарши кураш олиб бориш мақсадида пухта ўйланган, ҳар тарафлама келишилган режалар жамламасини тузиб чиқиб, ишга тушириб юбордик. Иқтисодий чегараларни кўриқлаш билан бирга давлатимиз хавфсизлигини ҳам таъминлаш бизнинг масъулиятли вазифамиздир. Шунинг учун ҳам айни пайтда республика Миллий хавфсизлик хизмати, Ички ишлар вазирлиги прокуратура ходимлари билан ҳамкорликда кучайтирилган режимда иш олиб бормоқдамиз.

Бажаришимиз лозим бўлган вазифаларнинг энг биринчиси, божхона тизимини демократизациялаш томон йўналтирадиган божхона қонунчилиги ва фаолиятига оид норматив ҳужжатларни тубдан қайта кўриб чиқиш, бозор иқтисодининг оёққа туришига баҳоли қудрат кўмаклашиш, республика божхона тартиб-қоидаларини жаҳон тажрибасига яқинлаштиришдан иборат эди. Бу йўлда — божхона қонунчилиги ва хусусий норматив базани ривожлантириш соҳасида анчагина ишлар амалга оширилди. Турли нуфузли идоралар билан ҳамкорликда катта қўламли ишлар бажарилиб, мустақил давлатимиз Божхона Кодекси ва Бож тарифи тўғрисидаги қонун лойиҳалари тайёрланди. Ва у кўриб чиқилиши учун ҳукуматга тақдим этилди. Уни бажариш осон кечмади. Чунки, божхона тизими умуман янги соҳа. Шунинг учун кўплаб ривожланган чет ҳамда МДҲ давлатлари божхона қонунчилигини ўрганиб, солиштириб чиқишга тўғри келди. Маълумки, айни пайтда ҳам биз собиқ СССР давридаги божхона қонунларидан фойдаланган ҳолда иш олиб бормоқдамиз. Бу ишимизда ўзига яраша қийинчиликлар, муаммолар яратиши турган гап. Агар мустақил давлатимизнинг миллий Божхона Кодекси тез орада қабул қилинса, ишларимиз ниҳоятда юришиб кетарди. Бунга ишончим комил.

Ўтган йили юқоридаги қонунлар лойиҳаларидан ташқари тўлов интизомини мустаҳкамлаш, божхона тўловларидан тушаётган маблағларни ўз вақтида давлат хазинасига тушишини таъминлаш ва режалаштирилган (прогноз) кўрсаткичларни бажариш борасида, божхона тартиб-қоидаларини жаҳон тажрибасига яқинлаштириш учун қатор йўлланма ҳамда ҳужжатлар ишлаб чиқилди. Бу ишлар жорий йилда ҳам давом эттирилаверади.

Божхона постларини қуриш, уларни замонавий техника жиҳозлари билан таъминлаш ва ободонлаштириш ҳам эътиборли иш. Вазирлар Маҳкамасининг ўтган йил 11 январдаги «Автомобилда хорижий юк ташувчиларнинг Ўзбекистон Республикаси ҳудудига киришлари, бўлишлари, юк олиб ўтишлари ва ундан чиқиб кетишлари тартиби тўғрисида»ги қарори бўйича Бухоро вилояти божхона хизматининг «Олот» божхона масканида қурилиш ишлари олиб борилмоқда.

Божхона ўзига хос мураккаб хизмат, божхона ходимининг вазифаси фақат ноқонуний олиб кетилаётган мол-маҳсулотларини ушлаб қолиш билан чекланмайди. Балки, божхоначиларга давлатнинг иқтисодий хавфсизлигини муҳофаза қилиш, ички бозорни, инсон соғлиғи ва ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, мамлакатнинг ташқи иқтисодий алоқаларини ривожлантиришга кўмаклашиш каби муҳим масалалар юклатилган. Ана шундай серқирра, сермашаққат ҳамда кенг билимли бўлишни талаб қиладиган бу хизмат ходимлари кўп қиррали ҳуқуқий, иқтисодий, тарихий, маданий соҳаларда чуқур билимга эга бўлишлари, халқаро муносабатларни яхши билишлари талаб этилади. Тўғрироғи, божхоначи давлатнинг ички ва ташқи сиёсатининг асосий негизларини тўғри талқин қила оладиган ва уларни аниқ амалга оширувчи ходимлар бўлиши талаб этилади.

Ушбу талабларга жавоб берувчи мутахассислар собиқ СССР даврида ҳам, ҳозир ҳам бирорта ўқув юртида тайёрланмаган. Шунинг учун ҳам биз, юқоридагиларни инобатга олган ҳолда ходимларни ишга қабул қилишда иложи борича, ҳозир тилга олинган талабларга жавоб берадиган олий маълумотли фуқароларни танлашга ҳаракат қилмоқдамиз.

Бу борада махсус суҳбатлар, ўрганишлар, тестлар ўтказиш ва бошқа усуллардан фойдаланяпмиз. Ўтган йили ишга кирмоқчи бўлиб, тест имтиҳонлари топширган 1360 номзоддан конкурс асосида 485 таси ўтиб, ишга қабул қилинди.

Божхона тизимида хизмат қилаётган ходимларнинг ярмидан кўпроғи ҳуқуқшунос ва иқтисодчилардир. 200 га яқини чет тили мутахассисларидир. Аммо «шолининг ичида курмаги бўлади», деганларидек, афсуски бизнинг орамизда ҳам баъзан нопок ходимлар учраб туради. Ана шундайларни аниқлаш, хатога, жиноятга қўл ураётган ходимларнинг хатти-ҳаракатини аниқлаш устида иш олиб бордик. Иложи борича ҳар бир ходимни аттестациядан ўтказишга ҳаракат қилдик. Натижада ишончни йўқотган ва хизматдаги камчиликлари учун 417 нафар божхона ходими бўшатилди.

Хонаси келганда юртдошларимизга бир таклифни айтиб ўтмоқчиман. Агар, бирор божхона ходимининг ғайриқонуний хатти-ҳаракатини сезсангиз, «ишонч телефони»га қўнғироқ қилиб айтиб қўйсангиз бизга — Ватанимиз равнақига, иқтисодиётимиз ривожига ҳисса қўшган бўлардингиз, «ишонч телефони» рақамлари: 76-76-35; 72-92-43. Айни пайтда бундай телефонлар ҳар бир вилоят божхона хизматларида мавжуд бўлиб, у кеча-ю кундуз ишлаб турибди.

Собит АЛИМБОЕВ,
Давлат солиқ қўмитаси Бош божхона бошқармаси бошлиғи.

УНИ АМЕРИКАДА ҲАМ БИЛИШАДИ

Илму ҳикмат сувни ғиқирар

Ўзбекистон Қишлоқ хўжалик фанлари академияси мухбир аъзоси, қишлоқ хўжалик фанлари доктори, профессор Қирғизбой Мирзажонов республикамиз деҳқончилик, мелиорация, тупроқшунослик ва агрокимё илми ривожига улкан ҳисса қўшиб келаётган олимдир. Ўрта мактаб, Ўрта Осиё Давлат университетининг биология-тупроқшунослик факультети, аспирантура... Аспирантлик кезларида Қ. Мирзажонов дастлаб академик К. Аҳмедов, сўнгра профессор В. Гусак раҳбарлигида тупроқнинг шамол эрозиясини, унга қарши кураш тадбирларини ишлаб чиқиш мавзуи бўйича илмий изланишлар олиб борди. Чунки ўша йиллар республиканинг кўпгина вилоятларида пахта ва бошқа қишлоқ хўжалик экинлари шамол эрозияси туфайли қайта-қайта экилишига, суғориш шоҳобчаларининг қум босишига, атроф-муҳитнинг ифлосланишига, ҳосилдорликнинг пасайишига, пировардида хўжаликларнинг катта иқтисодий зарар кўришига олиб келмоқда эди. Ёш олим ушбу тадқиқотлар натижасида «Фарғона вилоятида шамол эрозияси ва унга қарши кураш чоралари» мавзуида номзодлик диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилди.

Олимнинг илмий тадқиқот доираси янада кенгайиб, Фарғона водийси, Бухоро ва Қашқадарё воҳаларига ҳамда Тожикистоннинг Ленинобод, Қирғизистоннинг Ўш вилоятларига илмий экспедициялар уюштирди. У Ўзбекистоннинг чанг бўронлари рўй берадиган асосий ҳудудларни, экинларнинг шамол эрозиясидан зарар кўришини кўрсатувчи схематик, тупроқ-эрозия хариталарини тузди. Тупроқнинг механик таркиби ва шамол фаолиятининг кучига кўра турли гидрогеологик шароитларда тупроқ, чигит ва ғўза ниҳолларини шамол эрозиясидан ҳимоя қилиш учун иҳота ўрмон дарахтзорларининг конструкциялари, кенглиги ўрмон полосалари орасидаги масофалар, қаторлар сони, дарахтлар оралиғи аниқланди, дарахтларнинг мақбул турлари танланди. Олиб борилган бу каби ишлар натижаси ўлароқ 1981 йилда докторлик диссертацияси ҳимоя қилинди.

Қирғизбой Мирзажоновнинг кўп йиллик илмий изланишлари йирик монографик асарлари, илмий ва илмий-оммабоп ишларида ўз аксини топган. Олти ихтиросига муаллифлик гувоҳномаси берилди. У хизмат кўрсатган ихтирочи унвони нишондоридир. Қишлоқ хўжалик фанлари бўйича тўпланган бой билим ва тажрибаларини талабаларга бериш мақсадида Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти деҳқончилик ва тупроқшунослик кафедрасида, Тошкент Давлат университети тупроқ физикаси-кафедрасида профессор бўлиб ишлади. Унинг бевосита илмий раҳбарлигида хорижий фуқаролардан ҳам фан доктори, фан номзодлари етишиб чиқди.

Ўтган йили Нью-Йорк Фанлар академиясининг ҳақиқий аъзолигига сайланиши уни халқаро илмий жамоатчилик томонидан тан олинганидан далолат беради. 1990 йилдан бери Ўзбекистон пахтачилик илмий-тадқиқот институти бош директорининг илмий ишлар бўйича муовини сифатида институт илмий ишлари қўламини кенгайтириш, республикамиз қишлоқ хўжалиги фанида устувор долзарб муаммоларни ҳал қилиш ва тугалланган илмий тадқиқотларни ишлаб чиқаришга татбиқ қилишда ҳам олимнинг муносиб ҳиссаси бор.

Саидакбар РАҲМОНҚУЛОВ,
ЎзҚХФА мухбир аъзоси, профессор,
Шерали НУРМАТОВ,
қишлоқ хўжалик фанлари доктори.
Шоҳдор АҲМЕДОВ,
техника фанлари номзоди.

ДУНЁ ВОҚЕАЛАРИ

ЯНГИЛИКЛАР, ХАБАРЛАР, ФАКТЛАР

ҚИСҚАЧА АЙТГАНДА

НЬЮ-ЙОРК. Германия мудофаа вазири Фолькер Рюе тўрт кунлик ташриф билан АҚШга келди. У сафар давомида АҚШ маъмурлари ва Пентагон раҳбарияти билан НАТОни Шарқий Европа давлатлари ҳисобига кенгайтириш истиқболи, мазкур ҳарбий уюшмани ислоҳот қилиш муаммоси ҳамда Босния ва Герцеговинада тинчлик ўрнатиш бўйича Дейтонда имзоланган битимни ҳаётга жорий этиш билан боғлиқ масалаларни муҳокама этади.

***

• АНҚАРА. Туркия бош ҳарбий қўмондонлиги мамлакатнинг Арманистон билан чегарадош Карс вилоятига қарашли бир қанча тумани ёпиқ ҳудуд деб эълон қилди. Қўмондонлик тарқатган баёнотда айтилишича, мазкур қарор қабул қилиниши Туркия қўшинларининг Карсда ўтказаётган ҳарбий машқлари ва амалга ошираётган жанговар тадбирлар билан боғлиқдир.

Карс ва Агри вилоятларида вужудга келган вазият Туркия раҳбариятини ташвишга солмоқда. Чунки, бу ерда тақиқланган Курд ишчи партиясининг қуролли гуруҳлари фаолият кўрсатмоқда.

***

ПЕКИН. Хитой жамоат хавфсизлиги вазирлигининг гиёҳвандликка қарши кураш бошқармаси ходимлари Гуанчжоу шаҳрида 600 килограмм қорадорини мусодара қилди. Хитой ҳуқуқ-тартибот хизмати вакилининг айтишича, 1949 йилдан буён бундай катта ўлжа илк бор қўлга тушди.

Тадбир натижасида 39 нафар жиноятчи ҳибсга олинган. Уларнинг барчаси Гонконгда фаолият олиб бораётган яширин жиноий гуруҳ аъзолари бўлган.

Мозори-Шарифдаги музейнинг умумий кўриниши. Р. ШАГАЕВ (ЎзА) олган сўрат.

МУҚАДДАС ҚАДАМЖО

Қадимдан табаррук зиёратгоҳлар кўп бўлган. Юртимиздаям муқаддас жойлар кўп. Инсон руҳи енгил тортади тавоф айлаганда. Араб дунёсида ҳам бундай масканлар талайгина.

Александриядаги Абу-Минага борган минг-минглаб беморлар шифо топяпти. Олимлар эса бу қум сахроси бағридаги эски шаҳар харобасининг сирини очишга ҳарчанд уринишмасин, натижасиз.

Абу-Минага турли тоифа одамлар нажот истаб келади. Қадимий шаҳар харобалари шунчалик одамларни лол қолдиряптики, ҳатто мутахассислар «бошидан кечириб» синаб кўришяпти. Ўлимга маҳкум этилган бемор соғайиб кетяпти. Бедаво дардга йўлиққанлар «қутиляпти», бечораҳол, йўқчиликдан тўйган одамларнинг ҳатто мушкули осон бўляпти!

Археологлар топган топилма эса ҳаммани ўйлантириб қўйди. «Топилманинг сирли ёзувидан маълум бўлишича, — деб ёзади жаҳон ахборот агентликларидан бири. — Эрамиздан олдинги IV асрдаёқ одамлар шу ёзувни ўқиганда мўъжиза рўй бериб, бойбадавлат кимсага айланиб қолишган экан».

Балки ҳақиқатдир. Лекин бу ерда эрамиздан олдинги IV асрда Менас исмли руҳоний яшаб ўтган. У кўплаб одамларнинг мушкулини осон қилувчи авлиё ҳисобланган. Менас оламдан ўтгач, унинг қабр тошига келиб сиғинишган, шу-шу муқаддас қадамжога айланган. Вақт ўтиши билан шаҳар емирилиб, харобага айланган.

Қумни ташиб кета бошлашди. Йўқ, қум «ўзга» жойда шифобахшлигиниям, муқаддаслигиниям йўқотаркан. Унга оёқ босиб, қўлингизни қумга қўмгандагина «тан»даги дардни «суғуриб» олади.

Бунинг қанчаси рўё, қанчаси риё билмадим-у, лекин зиёратга бориб шифо топган, мушкули осон бўлганларнинг айтганларини сиз ҳам мулоҳаза қилинг-чи.

— Бедаво дардга йўлиқиб, ҳаётдан умидимни узиб қўйгандим: Врачлар «энди фойдаси йўқ» деган хулосага келишувди. Аби-Мина ҳақида эшитиб қолдим. Чиқмаган жондан умид деб йўлга тушдим. Йўл азоби гўр азоби, етиб боролмасам керак деб ўйловдим. Келдим қумга оёқ босдим. Қўлимни «кўмдим», шу заҳоти танамда ўзгариш сездим. Енгил нафас ола бошладим, — дейди Деневерадаги пиво заводи ишчиси Кора Лидсвелл. — Врачлар кўриб ҳайрон қолишди, мутлақо рақдан фориғ бўлибман!

Майли, дарднику-я балки қумда қандайдир шифобахшлик хусусияти бўлиб тузатар. Лекин мана бу воқеа ундан ҳам ғаройиб.

— Ҳаётдан кўнглим совиди, ишларим орқага кетди. Омад юз ўгирди, чақасиз қолдим. Умид қилиб келдим, таниш-билишлардан қарз-ҳавола йиғиб, йўлкира олиб етиб келдим, — дейди Айова штатининг Де-Мойналик ўй бекаси, уч фарзанднинг онаси Маура Кулидж. — Қумга қадам қўйдим-у, кўнглим хотиржам, руҳим енгил бўлиб қолди. Уйга қайтгач эса оламдан бевақт кўз юмган «бойвачча» менга 3 миллион сўм мерос қолдирганини эшитиб, ҳушимдан кетаёздим...

— Мен эса кўпда мўъжиза, илоҳий куч-қудрат деган гапларга ишонавермайман, — дейди чикаголик Тэд Ридмонд. — Негадир Абу-Мина ҳақида хабар топгач, кўнглим унга тортаверди. Чунки юрагим хаста, мутахассислар «тамом» бўлганини алақачон айтишувди. Ишонибишонмай келавердим. Қумга қадам босган заҳоти, назаримда, руҳим танамдан «чиқиб» кетаётгандек бўлди. Қайтгач эса врачлар юрагим соппа-соғайиб кетганини айтишди. Қандай қилиб, энди илоҳий куч-қудратга шак келтирай...

Абу - Минадаги муқаддас қадамжо ҳақида ҳозир бутун дунё билади. Зиёратчилар, беморлар, ихлосмандлар, қизиқувчилар оқими селдай оқиб келяпти. Қадимий шаҳар харобаси эса ҳеч кимга ўз «сири»ни очмаяпти. Лекин шифо ато этяпти. Нима бўлгандаям шифо топиб, эзгуликка эришаётган, руҳи покланаётганларнинг кўпайиши илоҳий куч-қудратга, шак-шубҳага ўрин қолдирмаяпти.

ҚЎПОРУВЧИЛИК АВЖ ОЛМОҚДА

• ИСЛОМОБОД. Покистоннинг Лахор шаҳрида йўловчи автобус портлатилиши натижасида 60 киши ҳаётдан кўз юмди. Покистон хавфсизлик кучлари қўпорувчилик ким томонидан амалга оширилганини ҳамон аниқлагани йўқ. Автобусда ўт ўчириш мосламаси бўлмагани сабабли аксарият йўловчилар аланга ичида қолиб кетган. Улар орасида олти нафар бола ҳам бўлган.

Бундай қўпорувчилик апрель ойи давомида иккинчи марта содир этилди. Бундан илгари Лахордаги касалхона портлатилиб, 7 киши ҳалок бўлган эди.

КЕСКИН ЗАРБАЛАР

• ТУРКИЯнинг тоғ шароитида ҳаракат қиладиган махсус ҳарбий қисмлари (командос) авиация ёрдамида мамлакат шарқида ҳаракат қилаётган тақиқланган Курд ишчи партияси аъзоларининг қароргоҳларига кескин зарбалар бермоқда. Туркия телевидениесининг хабар беришича, мамлакат қўшинлари амалга ошираётган ҳарбий тадбирлар натижасида апрель ойининг ўзидаёқ қарийб 300 нафар жангари йўқ қилинган. Ушбу тадбирларда иштирок этаётган 200 минг кишилик Туркия қўшинларидан эса 70 нафар аскар ҳалок бўлган.

САЙЛОВОЛДИ КАМПАНИЯСИ ҚИЗҒИН

• МОСКВА. Россия оммавий ахборот воситалари Президент сайловолди кампаниясига кенг ўрин бермоқда. Мамлакат марказий газеталари ушбу жараённи шарҳлаш билан бирга Президентликка номзодларнинг чиқишларини ҳам бериб бораётир.

«Российские вести» газетасида Россия Федерацияси Президентининг иқтисодий масалалар бўйича ёрдамчиси Александр Лившиц мақоласи чоп этилган. Бўлажак сайловда Борис Ельцин ғалаба қозонса, бу — Россиянинг олдинга босган дадил қадами бўлади, деб таъкидланади мақолада.

ФЕРМЕРЛАР НОРОЗИЛИК БИЛДИРИШАЁТИР

• ПРАГА. Чехиянинг барча ҳудудларидан келган фермерлар мамлакат қишлоқ хўжалиги вазирлиги биноси олдида ўнлаб тонна пиёзни тўкиб ташлади. Улар ҳукуматнинг чет элдан арзон сабзавот харид этиш тўғрисидаги қарорига нисбатан ўз норозиликларини шу тарзда билдирдилар.

Маълум бўлишича, Ғарбий Европа давлатларида етиштирилган сабзавотлар арзонлиги туфайли, маҳаллий маҳсулот бозори касод бўлган. Натижада эса фермерлар катта зарар кўрган.

Фермерлар даставвал пиёзни мамлакат парламенти биноси олдига туширишни мўлжаллаган. Лекин, шаҳар кўчаларида автомобиллар тиғизлиги боис, пиёз ортилган юк машиналари юролмай қолган. Шунинг учун улар қишлоқ хўжалиги вазирлиги олдида тўхташга мажбур бўлганлар.

ҚАРҒИШ ТЕККАН ДАРАХТ

Льжда ғалати дарахт ўсади. Маҳаллий аҳоли уни қарғиш теккан дарахт деб атайди. Дарахт 114 йилдирки, одамлар юрагига қутқу солади. Дарахтга теккан бирор жонзот тирик қолмайди. Мутахассислар тажриба, илмий текширишлар ўтказяпти. Ҳозирча фанга бу антиқа дарахт ҳақида бирор маълумот маълум эмас. Чунки унга яқин бориб бўлмайди-да.

— Ҳатто бирор шохини синдириш ёки тегишга ҳаракат қилган одам омон қолмайди, — дейди бельгиялик тарихчи Миклак Ван Ламерс. — Ҳозиргача «қарғиш теккан дарахт» 52 кишининг қотилига айланди. Уларнинг 12 нафари қизиқувчан болалар, 26 нафари бундай бедодликка чек қўймоқчи бўлган журъатли эркаклар, 14 нафари эса аламзада аёллардир. Уларнинг ҳаммаси дарахтга теккач, 48 соат ичида оламдан кўз юмишган.

«Қарғиш теккан дарахт»нинг 52 нафар қурбонидан бирортасининг ўлим ташҳисини тиббий экспертиза мутахассислари аниқлай олишмади.

Шаҳар ҳокимияти дарахтни таг-томири билан қўпориб ташлашга қарор қилган. Афсуски, буни бажариш учун бирор кишининг юраги дов бермаяпти. Ҳатто ёлланишни истаганлар ҳам мурожаат этмаган.

СОҲИБҚИРОН НАЗАРИ ТУШГАН

Бир ажойиб юртимиз бор

Айтишларича, бу гўшага ном беришда Амир Темур Европанинг машҳур шаҳарларидан бири Парижга ҳавас қилган экан. Табиатнинг турфа жилоси мужассамлашган Форишнинг дунёга донги кетган ширин-шакар майизлари, офтобда неча бор товланувчи қорақўли, истиқлол шарофати билан Ватанга хизмат қилаётган темир рудаси чин маънода Ўзбекистон бойлигидир. Аммо бу диёрнинг энг бебаҳо бойлиги — меҳнаткаш, бардошли ва мағрур одамларидир.

Киндик қони Фориш тупроғига тўкилган элга машҳур жарроҳ, профессор Саримбек Наврўзов билан суҳбатлашганимизда шундай деб қолди:

— Ер юзининг манаман деган азим шаҳарларида бўлдим, лекин бахмал қир-адирларга туташиб кетган, мусаффо табиати бузилмаган Форишни ҳеч қаерга алишгим келмайди. Ишончим комилки, парижликлар бизнинг юртимизни кўришса шайдо бўлиб қолишади. Ахир Европа марказидаги шаҳарда биздаги каби шарқироқ сойлар, зилол чашмалар, фусункор яйловлар йўқ. Бу тупроқни кўзимизга суртсак арзийди.

Дарҳақиқат, шундай. Фориш тумани маъмурий-ҳудудий бўлинма сифатида ташкил топганига 60 йилдан ошди. Лекин бу ерда туб ислоҳотлар, ҳамма жойда бўлгани каби, мустақиллик даврида рўёбга чиқмоқда. Мутахассисларнинг таҳлилига кўра Боғдон майизининг қандлилик даражаси энг юқори экан. Бунда гап фақат табиатда эмас, шу тупроқда етилган узумдан маҳсулот олиш маҳорати ҳам айнан форишликларга хос. Агар бу борада иш оқилона ташкил этилса, бежирим қутичаларга қадоқланган майиз туман хазинасига қанчадан-қанча валюта келтирган бўларди.



Форишнинг қамрови ҳақида тасаввурингиз тўла бўлиши учун баъзи рақамларни келтирамиз. Туман 9,8 минг квадрат километр майдонни ташкил этади. Бу иккита Андижон вилояти ҳудудидан ҳам кенгроқдир. Энг баланд жойи Ҳаётбоши чўққиси денгиз сатҳидан 2.169 метр юқорида жойлашган. Ўзбек археологиясининг отаси Яҳё Ғуломов тадқиқотларида ёзилишича, бу воҳа X асрда обод бўлган экан. Оқ-қан ариққа сув келади, дейдилар. Зотан, форишликлар олис ўтмишдаги қадриятлардан қувват олишяпти.

XIX асрнинг иккинчи ярмида Россия ҳукмдорларининг нигоҳи бу заминга тушмай қолмади. 1916 йилга келиб озодлик учун курашда Абдураҳмон жевачи форишликларга бош бўлди. Хуллас, Форишнинг мард ўғлонлари ўз юрти, шаъни-шавкати учун чин қаҳрамонлик кўрсатиб қолдилар.

Айни кунларда туманда мулк шаклини ўзгартириш, хом ашёдан тайёр маҳсулот олиш, янги суғориладиган майдонлар очиш каби ишларга енг шимариб киришмоқдалар. Асли шу туман фарзанди, мамлакат пойтахтида катта тажриба орттирган мутахассис Бўстонқул Сайитқулов, мана саккиз ойдирки, эзгу ғояларни амалга ошириш борасида туман ватанпарварларига бош-қош бўлмоқда. Бунёдкор қўллар булоқлар кўзини очгани каби, янги ча қараш билан ишга киришган раҳбар мавжуд имкониятларни ишга солиш борасида астойдил интилмоқда.

Хўжалик юритишни такомиллаштириш, бутун куч-қувватини эл-юрт фаровонлигига сарфлаш борасида ҳаётий намуна бўлган сиймоларнинг номларини ёдга олиш ёқимлидир. Булар — Мусоқул Оролов, Баҳром Ёвқочдиев, Солмон Сориев, Қамбар Авазова, Бўлсиной Довулбоева, Абилхон Еримбетов, Ҳосилбек Эсонқулов ва бошқалардир. Агар ким ҳозирги қийинчиликлар туфайли даромад кўпаймаяпти, деган асоссиз фикрни амалда рад этаётган раҳбар тажрибасини ўрганмоқчи бўлса, ҳисобида миллионлар турган «Туркистон» хўжалигига, унинг раҳбари Болтабой Одилбековга мурожаат қилсин.

Бепоён уфқлари олис Қозоғистон яйловларига, Нурота тоғ тизмаларига туташган, бой хом ашё заҳираси кенгликларида ястаниб ётган Фориш истиқболнинг ёркин йўлига чиққан. Туманнинг ўтмиши, бугуни ва эртаси ҳақида батафсил маълумотларни куни кеча Қомуслар бош таҳририятида босмадан чиққан «Фориш» китобини варақлаб танишишингиз мумкин.

Шуҳрат ЖАББОРОВ.

ЁШАРМОҚЧИМИСИЗ? МАРҲАМАТ!

Арғумоқ остингдадур

Тибетдаги кўҳна ибодатхонанинг харобаларидан инсон танасини ёшартириш рецепти топилди. Сопол лавҳаларга битилган бу ёзувларда қадимги табиблар ёшариш учун қуйидагиларни тавсия қилишган.

350 грамм саримсоқ пиёз яхшилаб ювиб, майдаланади ва чинни (ёғоч) қошиқда эзилади. Ундан 200 грамм (шарбатнинг паст қисмидан олиш керак) ўлчаб олиниб, шиша (сопол) идишга солинади, 96 фоизли спиртдан 200 грамм қуйиб, оғзи маҳкам беркитилади. Идиш қоронғи салқин жойда ўн кун сақланади, сўнг қалин мато (кўпқаватли дока)да сузилгач, яна 2-3 кун тиндирилади.

Даволаниш даври: ичимликни совуқ сут билан (ҳар сафар 50 граммдан) кунига уч маҳал овқатланишдан йигирма дақиқа олдин бир томчидан ўн беш томчигача ичиш керак.

Ўн биринчи кундан бошлаб 25 томчидан ичимлик тугагунча кунига уч маҳал овқат олдидан ичилади. Муолажа беш йилдан кейин такрорланади.

Спиртли саримсоқ пиёз ичимлиги аъзоибаданингизни ёғлардан, оҳак чўкиндиларидан тозалайди, модда алмашинувини яхшилайди. Томирларни майинлаштиради, инфаркт, стенокардия, склероз, шол касалликлари, шиш ҳосил бўлишнинг олдини олади, кўзни равшанлаштиради.

Бу рецепт янгилик эмас, лекин ҳамма даврлар учун фойдалидир.

(«Труд» газетасидан олинди).

Бош муҳаррир Азим СУЮН

Таҳрир ҳайъати:
Абдулла ОРИПОВ,
Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ,
Азамат ЗИЁ,
Азиз НОСИРОВ,
Алимқул СУЛТОНОВ (масъул котиб),
Аслиддин БОЛИЕВ (бош муҳаррир ўринбосари),
Ислом ШОҒУЛОМОВ,
Норбобо ШАКАРОВ,
Одилжон ОЛИМЖОНОВ,
Салим АШУРОВ,
Хайрулла ЖЎРАЕВ,
Шуҳрат ЖАББОРОВ (бош муҳаррир ўринбосари).

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

БЎЛИМЛАР:
Мафкура ишлари ва партия ҳаёти — 33-20-36, 36-54-35.
Парламент фаолияти ва ҳуқуқ — 36-26-70, 36-57-19.
Иқтисодиёт — 33-21-43, 36-57-22.
Фан ва маданият — 33-07-20, 36-33-40.
Хатлар ва оммавий ишлар — 33-76-04, 36-54-06.
Ахборот ва спорт — 33-12-56, 36-55-16.
Халқаро ҳаёт — 33-47-80, 33-12-16.
Реклама ва эълонлар — 33-38-55, факс — 33-79-14.

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:
Андижонда — 5-27-11;
Бухорода — 3-54-87;
Гулистонда — 2-26-22;
Жиззахда — 3-31-86;
Навоийда — 3-75-43;
Наманганда — 6-43-43;
Нукусда — 7-58-83;
Самарқандда — 35-22-90;
Тошкентда — 33-12-56;
Урганчда — 6-51-35;
Фарғонада — 22-36-78;
Қаршида — 3-25-79;
Қумқўрғонда — 5-26-24.

МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.

Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи муҳаррир Қ. ЭШМАТОВ, навбатчи С. САЛИМОВ.

Рўйхатдан ўтиш тартиби №00120

Газета офсет усулида А—2 форматда 31847 нусхада босилди

Ҳажми 2 босма табоқ

«Ўзбекистон овози» материалларини кўчириб босиш фақат таҳририят рухсати билан амалга оширилади.

Г — 0242

Босишга топшириш вақти — 21.00. Топширилди — 22.30.

1 2 3 4 5 6.

СОТУВДА ЭРКИН НАРХДА

Гулчеҳра УСМОНОВА

ШАМОЛ ҚАНОТИДА УЧАР ТУЙҒУЛАР

***

Соғинч кўзларимда ёшга айланди,
Тақдир деганлари тошга айланди,
Андиша деганим дошга айланди,
Қадри баландим-ей, сени қўмсадим.

Қайттим, йўлингдаги зорни синдирмай,
Қайттим, қўлингдаги торни тиндирмай,
Дарёлар кечиб кел, дийдоринг кўрай,
Қадри баландим-ей, сени қўмсадим.

Меҳринг қуёшидан гуллар терайин,
Тоғ бўлсанг гар булоқ ўзим бўлайин,
Саҳро эсанг ҳаёт олиб келайин,
Қадри баландим-ей, сени қўмсадим.

***

Сукунат эзади қалбимни,
Япроқлар мунгли бир куй чалар,
Олтин ранг қоплаган заминни,
Кезаман, дардларим тўкилар.

Турналар кетмоқда, турналар,
Айтибон кўҳна бир эртакни.
Қалбимда таассуф кезинар,
Кўриб чирт узилган япроқни.

СИЗНИ СОҒИНДИМ

Шунчалар узунми фироқ кунлари,
Чақиртиканлими унинг чўллари,
Қалбимда йиғлайди умид гуллари,
Сизни соғиндим...

Умидга бош қўйиб тонглар орттирдим,
Шафақка термулиб кунлар боттирдим,
Бунда висол эмас, ҳижрон татидим,
Сизни соғиндим...

Дардли дунёмидир, бунда дунёлар,
Оҳ чекар фироқдин ҳатто видолар,
Ёлғон дуомиди олган дуолар,
Сизни соғиндим...

Биламан, сиз унда, билмассиз буни,
Оҳ, ҳажр дастидан фиғонли қизни,
Не қилай, васлингиз хаёлдир сизнинг,
Сизни соғиндим...

Доғли эътиқодим бугун ўзингиз,
Армоним, афсоним, ўтлиг кўзингиз,
Майсалар ўпдилар изингиз,
Сизни соғиндим...

***

Шамол қанотида учар туйғулар,
Шамол оғушида олис болалик.
Эй шамол, тўхтама, босар қайғулар
Нигоҳда орзулар қолди, жолалик.

Учқур болаликнинг орзулари мўл,
Баҳор кунларидай мусаффо ойдин.
Олиб кел, энг софдил лаҳзаларни ҳам
Эй шамол, тўхтама, эсавер бетин.

ЙИГИРМА БЕШ ЁШЛИ «ТЎЙ БОЛА»

Аломат гаплар

Ҳа, худди шундай. Касби туманидаги Қатағон қишлоғида яшовчи 25 ёшли Жўра Хушвақтовнинг суннат тўйи яқиндагина бўлди.

Жўранинг ота-онаси уни ёшлигидаёқ ташлаб кетишган. У болалар уйида тарбияланди. Кейин эса Москвага кетади. Етти йил давомида Москва, Санкт-Петербург ва бошқа шаҳарларда ишлади. От айланиб қозиғини топади, деганларидек Ж. Хушвақтов ўтган йили она қишлоғига қайтди. Оқсоқоллар йиғилиб хайрли ишга қўл уришди: уни суннат қилишди. Ҳозирги кунда Жўра Муборак газни қайта ишлаш заводида меҳнат қиляпти. Бугун-эрта эса «тўй бола» уйланмоқчи. Тўй харажатларининг барчасини бўлғуси куёв ўз гарданига олган.

Абдумалик ҲАЙДАРОВ.

Спорт

АНДИЖОНДА ХАЛҚАРО ТЕННИС МУСОБАҚАСИ БОШЛАНДИ

• Андижондаги жаҳон талабларига жавоб берадиган теннис кошонаси шу кунларда, айниқса, гавжум. Бу ерда халқаро Челенджер турнири бошланди.

Мусобақада 27 та мамлакатдан 60 га яқин теннисчи қатнашмоқда. Улар орасида Леандер Паес, Тати Раскон, Дэвид Найнкен, Эяль Ран, Ноам Бер сингари тажрибали теннисчилар бор. Мамлакатимиз спорт шарафини Дмитрий Томашевич, Вадим Куценко, Темур Хонхўжаев каби теннисчилар ҳимоя қиладилар.

«Юртингизда биринчи бор бўлишим, — дейди мусобақа бош ҳаками, италиялик Винченсо Ботоне. — Мамлакатингизда теннисга катта аҳамият берилаётганининг гувоҳи бўлдик. Фарғонада ўтказилган мусобақалар ҳам юқори савияда ташкил этилди».

— Халқаро Челенджер туфайли Ўзбекистонни кўриш насиб этди, — дейди Грант Жефф (Америка). — Халқингизнинг меҳмондўстлиги таҳсинга лойиқ. Америкага қайтгандан кейин мусобақа, Ўзбекистон ҳақида дўстларимга сўзлаб бераман.

Бир неча кун давом этадиган мусобақа мустақил давлатимизнинг халқаро нуфузини оширишга хизмат қилгусидир.

Аҳмадилло СОЛИЕВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

ҲАҚИҚИЙ ВАСИЯТ

Кўнгил шўлки

Сирдош дугонамнинг бошига мусибат тушди: падари бузруквори оламдан ўтди. Ҳамдард бўлиш, кўнгил сўраш учун бордик. Дугонам мени қучоқлаб фарёд чекарди, таскин беришга тилим ҳам, дилим ҳам ожиз. «Отамдан айрилиб қолдик. Бедаво дарддан... Ҳатто бир оғиз васиятларини ҳам эшитолмадим. Армон бўп қолди, армон.»

У отасининг дуосини олди. Дардга чалингандан бошлаб сўнгги нафасигача бошида парвона бўлди. На чора, ўлим ҳақ.

Таъзиядан чиқиб кетяпману, йўл-йўлакай амаким ҳақида ўйлайман. У кишининг сиймоси кўз олдимда гавдаланади, суҳбатлари хаёлимда такрорланади. ... Талабаликнинг сўнгги йиллари. Диплом ҳимоялаш ташвишидамиз. Негадир дарс тайёрлаш учун тез-тез 4-5 нафар қиз уларникига тўпланардик. Одатда дарс тайёрлаш учун холироқ жой танланади. Дугонамнинг эса тўрт нафар укаси бор. Бари ўғил бола. Ҳаммаси шўх, тўполончи. Йўқ, биз барибир уларникида дарс қилардик.

Эсимда: иккимиз, одатдагидек, дарс баҳона «сирли» суҳбат қуриб ўтирардик. У билан баъзан талашиб-баҳслашиб ҳам турардик. Лекин ҳар доим у менга ён бериш билан баҳсга чек қўярди. Бир куниям шундай бўлди. Шу пайт Позил амакининг овозини йўлакда эшитдим. Шом тушиб қолувди. Чиқиб ҳол-аҳвол сўрашолмадим. Ярим тунда тамадди қилиш учун яна ошхонага-айвонга чиқдик. Чиқсак, ота айвондаги сўрида газета ўқиб ўтирарди. Шоша-пиша салом бердим.

— Кел, қизим, тузукмисан, соғлиғинг яхшими? Дарсларингга халақит бермай деб кирмадим.

Алламаҳалгача у киши билан суҳбатлашиб ўтирдик. Озгина ухладик. Тонг отди.

...Бугун дугонамнинг «отамнинг васиятини ҳам эшитолмадим» деган аламли сўзларини эшитиб шу ҳақда ўйлаб қолдим. Васият — тўғри, сўнгги сўз. Лекин ота умри давомида фарзандига фақат эзгуликни ўргатди. Буни кейинроқ англарканмиз. Кўнгли синган дўстимга фақат «сабр берсин худойим» деб таскин беролдим.

Энди ўйласам шу хонадонга бизни етаклаган туйғу ҳам ота-онасининг бизга кўрсатган меҳри, ўз фарзандидек айтган панд-насиҳати экан.

Ҳаётимда бирор кўнгилсизлик рўй берса, биринчи бўлиб шу дугонам ҳамдард бўлади, юпатади. Сабр-тоқатлироқ бўлишга ундайди. Бу фазилат раҳматли отасининг тарбияси, бизга айтган васияти эмасми?

Саида ЙЎЛДОШЕВА.

ҚОТИЛЛАР

Соат 24.00
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ МАТБУОТ МАРКАЗИ ХАБАР ҚИЛАДИ

Тошкентнинг Ҳамза туманидаги кўчалардан бирида истиқомат қилувчи Демин амакининг хотинидан кўнгли тўлмай юрарди. Бир куни жиғига текканида бошига тўмтоқ жисм билан уриб тинчитиб қўйди. Хотинини бир амаллаб ҳовлига кўмдию, ўзини ваҳима боса бошлади. Ахир, шунча йил у билан бирга умр кечирган бўлса. Энди усиз қандай яшайди? Шулар эсига тушиб кетдими ёки қачонлардир бу сир очилишини сездими уйига кириб ўзини осди. Прокуратура ходимлари бу қотилликнинг асл сабабларини пухта ўрганмоқдалар.

Мана бу қотиллик тафсилотини эшитган одамнинг эти жунжикиб кетади. Негаки, Тошкент вилоятининг Бўстонлиқ туманидаги қишлоқлардан бирида яшовчи, ёши 60 дан ошиб қолган нафақахўр чол ўз куёвининг қорнига пичоқ уриб ўлдириб қўйди. Жанжал туфайли ёш йигитнинг ўлимига сабабчи бўлган қайнотанинг қилмиши ҳам прокуратура ходимлари томонидан атрофлича ўрганилмоқда.

Москвадан меҳмонга отланган Е. Лебедева ҳам Тошкентдаги холамникидан қайтиб келмайман, деган фикрни хаёлига келтирмаганди. Минг афсус, Бектемир туманининг Водник даҳасидаги Данилованинг уйидан унинг жасади чиқди. Унинг қотилини топиш илинжида ички ишлар ходимлари мезбонни ҳам сўроқ қилдилар. Аммо тезкор ишлардан сўнг бу қабиҳ ишга қўл урган киши «Саботли» ширкатида ишловчи, муқаддам судланган С. Чуватин эканлиги аниқланиб, дарҳол қўлга олинди.

Киши кўнглини ранжитувчи мана шундай воқеалар, таассуфки, учраб турибди. Бир кишининг умрига зомин бўлган кимсалар ўз қилмишларини яшириш мақсадида нечоғлик уринмасинлар, барибир ички ишлар, прокуратура ва суд ходимларининг тезкор олиб борган ишлари натижасида сирлари ошкор бўлмоқда.

Янгийўл туманидаги А. Ортиқов номли жамоа хўжалигининг пахта даласидан 40-46 ёшлардаги эркак кишининг жасади топилди. Шу тумандаги ғишт заводида ишловчи Б. Н. исмли шахс унинг қотили бўлиб чиқди.

Хуллас, республика Ички ишлар вазирлиги ва унинг жойлардаги ходимлари жиноятчиликнинг мазкур турига қарши кескин кураш олиб бораверадилар.

Шуҳрат РЎЗИЕВ, Ички ишлар вазирлиги матбуот маркази ходими.

ЎЗБЕКИСТОН — ТУРКИЯ

SÜNDÜS

ҚЎШМА КОРХОНАСИ

бош ҳисобчи ва ҳисобчи лавозимларига тажрибали бухгалтерларни

ИШГА ТАКЛИФ ЭТАДИ

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Туроб Тўла кўчаси, 55-уй.
Мурожаат учун телефонлар: 45-62-50, 45-73-25.
Мўлжал: "Бешёғоч" бозори ёнида.

"ЎЗБЕКДАВЦИРКИ" БИРЛАШМАСИ ТОШКЕНБОЙ ЭГАМБЕРДИЕВ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА (Хадра майдони) ЙЎЛБАРСЛАР ЎЙНАТИЛАДИГАН КАТТА ЦИРК ТОМОШАЛАРИ

Биринчи ўзбек йўлбарс ўргатувчиси ФУРҚАТ ЮНУСОВ

ТОМОШАЛАРДА ЎРГАТИЛГАН ТУЯЛАР, КУЧУКЛАР, БАҲАЙБАТ ИЛОНЛАР ВА БОШҚА ҲАЙВОНЛАР ИШТИРОКИДА КЎРСАТИЛАДИГАН ЎЙИНЛАР ТОМОШАБИНЛАРГА ЗАВҚ-ШАВҚ БАҒИШЛАЙДИ.

Томоша икки бўлимли, катта ва ранг-баранг дастурдан иборат.

Томошалар 27-28 апрель соат 12.00 ва 15.00да, 3 май соат 18.00 да, 4-5 май 12.00 ва 15.00да, 9 май 12.00да ва 15.00 да, 10 май соат 18.00да, 11-12 май соат 12.00 ва 15.00да намойиш этилади.

Жамоа бўлиб кўриш учун буюртмалар қабул қилинмоқда

КАССА СОАТ 10.00 ДАН 18.00 ГАЧА ИШЛАЙДИ.

ТЕЛЕФОНЛАР: 44-35-91, 44-29-04.

Тошкент 2-вагон депоси маъмурияти ва касаба иттифоқи қўмитаси Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва меҳнат фахриларини 1996 йил 4 май куни соат 10.00 да Ғалаба кунига бағишланган учрашувга таклиф этади.

«ОСИЁ АФРОСИЁБ» ХИССАДОРЛИ ЖАМИЯТИ ХИССАДОРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

Шу йил 7 май куни соат 10.00 да Самарқанд шаҳар Тошкент кўчасидаги биринчи уйда «Осиё Афросиёб» жамияти ҳиссадорларининг умумий йиғилиши бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси И. Мўминов номидаги Фалсафа ва ҳуқуқ институти ва Мирзо Улуғбек номидаги Тошкент Давлат университети ҳузуридаги Олий педагогика институти жамоалари кекса файласуф, доцент **Николай Романович КОСЕНКОВ**нинг вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига ҳамдардлик изҳор этадилар.

Ўзбекистон Республикаси Халқ банки меҳнат жамоаси **Сайфутдин Султонович БУЗРУКХЎЖАЕВ**нинг бевақт вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари, қариндошларига чуқур таъзия билдиради.